

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

Andijon davlat universiteti

Qo'lyozma huquqida

Хайдарова Зилоланинг

**Луқмон бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятлар
ифодаси**

Ixtisosligi: 5A220101 – “Filologiya”

**Filologiya bo'yicha magistr darajasini olish uchun
magistrlik dissertasiyasi**

Ilmiy rahbar dots. B. Rahmonov

Andijon – 2010

Режа
Кириш

Боб

- 1 Лукмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ёритилиши.
- 2 Моҳиятга интилган миллийлик.

Боб

- 1 Адиб қиссаларидаги миллат тимсолига айланган образлар.
- 2 Эртақона сюжетга йўғирилган халқона руҳият.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Мавзунинг долзарблиги. Тарихий тараққиёт нуктаи назаридан Истиқлолга эришилганига кўп бўлгани йўқ. Бинобарин, унинг ижтимоий, маънавий ва ўзга белгиларни айириб кўрсатиш анчагина мушкул. Айни вақтда, ўтган йиллар шундай салмоққа, шундай ўзгартувчилик қудратига эгадирки, халқ психологияси, дунёни идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш тарзида шунчалар катта ўзгариш ясадики, аввалги бир неча ўн йилларда ҳам бундай қилиб бўлмасди. Демакки, ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, унинг устувор жиҳатларига хос хусусиятларни умумлаштириш лозим.

Истиқлол даври адабиёти ҳам туб сифат ўзгаришларни бошидан кечирди. У коммунистик мафкура йўриқларини образлар зиммасига юклаш билан шуғулланадиган, воқеликни «тарихий тараққиётда», яъни пировардида, коммунизмга келадиган тарзда кўрсатишни амали деб биладиган мафкуравий югурдаклик хизматидан қутилди.

Энг муҳими, ёзувчилар олам, одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини англадилар ва ўзлари ҳам шунга кўника бошладилар. Коммунистик мафкуравий адабиёт вакили учун дунё ҳамиша бор эди ва адабий мавжуд бўлаверди. Одам меҳнат туфайлигина маймундан ҳозирги ҳолига келганди. Оламдаги асосий муаммо эса онг бирламчилиги ёки материя эканини аниқлашдан иборат эди. Жамият фақат синфий курашлар асосидагина тараққий этиши мумкин бўлганидан асарларнинг қаҳрамонлари, кимга бўлсада қарши курашиб туриши жоиз эди. Курашганда ҳам, албатта, ижобий кучлар, яъни меҳнаткашлар ёхуд баёнларнинг меҳнаткашпарвар вакиллари енгиб чиқишлари зарур бўларди.

Бугунги адабиёт учун эса инсон бош қадриятга айланди. Эндиликда «Пахта, пахта жон пахта», -деб ёзиб бўлмай қолди. Ҳозирги одамнинг мавқеи кўтарилди. Унинг туйғулари, сезимлари, ўйлар оқими билан қизиқа бошлашди. Бадиий адабиёт инсонни ишчи кучи сифатидагина тасвирлашдан қутилиб бормоқда. Айни вақтда, адабиётда тасвир этилаётган инсоннинг масъулият даражаси ҳам ортди. Одам қанчалик мукаббат бўлса, ўз хатти-ҳаракатлари, ҳатто ниятлари учун ўшанча даражада жавобгар зот тарзида тасвир этила бошланди.

Истиқлол адабиёти инсонни жўнликдан, тўпориликдан, анчайинликдан қутқаради. Уни мураккаблаштиради, поэтиклаштиради бир хил қарашлар тизими билан тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайдиган инжикроқ эканлигини рўйи-рост акс эттира бошлади. Бугунга келиб туйғулар нозиклиги, руҳий ҳолатлар турфалиги, кечинмалар инжиклиги, сезимлар инжалиги ўзини таний бошлаган ҳар қандай одамнинг сифати эканлиги англашилди.

Истиқлол адабиёти мавзу нуктаи назаридан ҳам, бадиий тасвир тамойиллари жиҳатидан ҳам бирор қилинган солинмаган, табиий равишда тарикқий қилаётган эстетик ҳодисадир. Бу адабиёт учун ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш ўз ҳолича фазилат деб қаралмайди. Бадиий ҳақиқатни акс эттира билиш юксак баҳоланди. Истиқлол адабиёти чинакамига ижодкор адабиётдир. У типик одамни эмас, балки алоҳида ўзига хос ва бетакрор одамни-типни тасвир этади. Ўқувчи ўша ҳаммага ўхшамаган, алоҳида одамни тушуниш мобайнида ўзгани англай боради. Ўзгани тушуниш сари қўйилган дастлабки қадамдир.

Шуниси қувонарлики, ҳозирги асарларда ўзбек миллатининг ташқаридан кўзга ташланиб турмайдиган, аммо унинг моҳиятини акс эттирадиган қирралари қаламга олинмоқда. Буни биз ишимизга тадқиқот манбаси қилиб олган ёзувчи Луқмон Бўрихон асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Луқмон Бўрихон ўз асарларида, хусусан, бир қатор қиссаларида ўзбек кишининг ўзига хос тимсолини ярата олди. Айниқса, Луқмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятлар алоҳида улуғланиши муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик тувайли миллий қадриятларимиз қайта тикланганлиги, ўзлгимизни англашимизнинг ўзи кўплаб илмий изланишларга мавзу бўлади. Булар Луқмон Бўрихон қиссаларида оригинал ифодаланган. Услубий, бадиий композицион ранг-баранглик бу мавзунини махсус ўрганиш зарур эканлигидан далолат

беради. Мазкур ишимиз бу йўлда қўйилган дастлабки тажрибалардан бири деб қаралиши керак.

Ишнинг мақсад ва вазифалари.

Ҳозирги адабиётда воқеликни тасвирлашга қараганда инсон руҳиятини таҳлил қилишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бугунги адиблар учун ҳаётининг реалистик биринчи аҳамият касб этмайди. Бунга бадиий реалликни таъминлаш воситаси деб қаралади. Бугун бадиий асар қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнглининг микротаҳлилидан иборатдир. Ҳар бир инсон одам ва одамиятни ўзини англаш даражадагина англай олади.

қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқувчилар эътиборини қозонган ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг қиссалари ана шу йўналишда битилган асардир. Айтиш керакки, ёзувчининг асарларида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечикмаю сезимларини тасвирлаш етакчилик қилади. Адиб асарларида ўзи яратган бадиий воқеликни ўқувчига тўғридиришга, уни тушунарли қилишга уринади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда биз ишимизда қуйидагиларни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Луқмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодаланишини кузатиш ,

қиссалардаги ўзбекона образлар яратилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва тасниф қилиш ,

адиб қиссаларида халқ оғзаки ижодида мурожаат қилиш, халқона сюжет масалаларининг ёритилишини таҳлил этиш ,

ёзувчи асарларида инсон руҳияти, миллий қаҳрамон масалаларининг ёритилиши,

қиссалар яратишда адибнинг позицияси ва бадиий маҳорати.

Тадқиқот манбалари. Илмий ишимизнинг ўрганиш объекти сифатида ҳозирги ўзбек насрининг кўзга кўринган адибларидан бири бўлган Луқмон Бўрихоннинг бир қатор асарлари танланди. Истеъдодли ёзувчининг «Ялангоёқ», «Кечиккан кўз ёшлар», каби ҳикоялар тўплами, «Фақир», «Ҳизр кўрган йигит», «Сирли муаллим» қиссалари, «Ҳазирамадаги одамлар» романи, шунингдек, адабиётшунос ва танқидчиларнинг Луқмон Бўрихон ижоди ҳақидаги адабий-назарий қарашларнинг илмий жиҳатлари синчиклаб ўрганилди. Булар халқимизнинг бой тарихини ўрганишга, истиқлол даври ўзбек адабиёти ҳақида тасаввур қилишимизга, мустақиллик неъматларини қалбдан англашимизга ва истиқлолнинг қадрига етишимизга имкон яратади.

Ишнинг методологик ва назарий асослари.

Ушбу тадқиқотни ёзишдан олдин илм-фан, маданият, адабиёт ривожига ҳисса қўшган Матёқуб қўшжонов, Озод Шарофиддинов, қозоқбой Йўлдошев, Абдуғофур Расулов, Салима Мирзаева каби бир қатор адабиётшунос олимларимизнинг тадқиқотлари, шу билан бирга, вақтли матбуотда 1992-2008 йиллар истиқлол адабиёти муаммоларига бағишланган асарлар, илмий-назарий фикрлар методологик асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Ишимизнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, у истиқлол адабиёти, ёзувчи Луқмон Бўрихон ҳаёти ва ижоди, адиб асарларида миллий ва умуминсоний қадриятларимиз ҳақида қўшимча маълумотлар беради.

Ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор бериш, халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганишдаги қатор масалаларни тадқиқ этиш, миллий урф-одатларимизни ҳаётимизга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бизнинг ушбу тадқиқотимизда келтирилган материал ва хулосалардан,

миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ёзувчи Луқмон Бўрихон ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид махсус курс ва семинарлар ўтказиш,

миллий мафкура масалаларига бағишланган турли тадбирларда,

маънавият – маърифат ишларини ўрганишда,

мактаб, лицей ва коллежларнинг қўшимча дарсларида,

кутубхоналарда ўтказиладиган адабий кеча ва анжуманларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Ишимиз кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

Ишнинг биринчи бобида Луқмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ёритилиши таҳлил этилиб, мавзу юзасидан хулосалар чиқарилган.

Иккинчи бобда адиб асарларидаги образларнинг ўзига хослиги, Луқмон Бўрихон ижодида халқ оғзаки ижоди анъаналаридан фойдаланиш масалалари таҳлил этилган.

Хулоса қисмида умумий хулосалар асосида таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Луқмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ёритилиши.

Луқмон Бўрихон замонавий ўзбек адабиётига ўз услуби билан кириб келаётган ижодкорлардан. У 1965 йилда Ғузор туманида туғилган. 1991 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирган. Ёзувчи асарларининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг қиссаларида фольклор аънавалари кўплаб учрайди.

Маълумки, фольклорда халқнинг маънавий-ахлоқий дунёси, эътиқодий қарашлар тизими, маросим ва урф-одатлари, воқеликка бўлган этик-эстетик муносабати, дунёқараши ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Ана шуларнинг барчаси яхлит ҳолда мужассамланиб, фольклор аънаваларини ташкил этади.

Биз яхши биламизки, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Омон Мухтор каби адиб ва шоирлар ўз асарларида фольклор аънавалидан ижодий фойдаланганлар. Бу ҳақда профессор Б.Саримсоқовнинг қуйидаги фикрлари айниқса характерлидир. «Маълумки, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати ўз ичига ижодкор асаридаги оддий фольклоризмдан тортиб ижодий метод муносабати, халқчиллик, миллийлик ва байналмилалчилик, ижодкорнинг фольклордан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуллари, у ёки бу санъаткор маҳорати йўналиши ва унда фольклор аънаваларининг таъсири каби масалалар билан биргаликда бадиий шакл соҳасидаги ўзаро таъсир масалаларигача қамраб олади».¹

Ҳозирги адабий жараёнда фольклор аънаваларига қизиқиш, унинг кенг бадиий имкониятларидан ижодий фойдаланиш сусайган эмас. Аксинча, ҳозирги адабий жараёнда фольклор аънаваларининг умрбоқий имкониятларидан, гўзал бадиий усул ҳамда воситалардан, юмористик ва ҳажвий кулгу орқали фолл этиш санъатидан ижодкорлар унутди фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу томондан келиб чиқиб, адабиётшунослар турли миллий адабиёт вакилларининг фольклорга кенг муурожаат этишларини ҳозирги адабиётни ривожлантирувчи етакчи тамойиллардан бири сифатида баҳоламоқдалар.

Луқмон Бўрихон ўз асарларида халқ оғзаки ижодидан тажидий фойдаланиб келаётган адиблардан. Бизнинг олдимиздаги бош вазифа ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг фольклор аънаваларидан ижодий фойдаланишдаги ўзига хосликларни, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш ва бу муносабатнинг истикболли жиҳатларини ёритиб беришдан иборат. Айниқса ёзувчи ижодида миллий ва умуминсоний қадриятлар мавзусининг ёритилишидир.

Халқнинг куч-қудрати унинг сонидан эмас, балки сиёсий онгининг етуқлигидадир. Маънавий баркамол инсон ақл-идрок асосида ҳаракат қилади. Ватанига, халқи ва миллатига тўла содиқ, садоқатли бўлиш ҳам маданиятчилик, маънавий баркамоллик, ахлоқий поклик белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Бировлардан кўрган муруввати ва яхшилигини унутмаслик ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлардан ҳисобланади. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш энг катта инсоний бурчимиздир. Яхшилик, дўстлик, биродарликни, қавм-қариндошликни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Жисмоний бақувват, маънавий, ахлоқий, илмий жиҳатдан етуқ бўлмасдан туриб шахс баркамол бўлолмайди. Маънавий, жисмоний соғлом авлодларни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишларини ташкил этади.

Инсон ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик, хушмуомалалилик ва хушхулқчилик булар инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шакллари.

¹ Саримсоқов Б. Фольклор ва ўзбек адабиёти муносабатларига доир изланишлар. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1976, 5-сон, 85-87-бетлар.

Шаркона урф-одат ва маданиятда одамлар хушхулқли, ширинсўз, олижаноб бўлишга даъват этилади. Одамлар халқимиз урф-одатларига қатъий амал қилиб хулқларини тузатсалар, оилаларида жамиятда хушмуомала, меҳрибон, олижаноб бўлсалар, жуда катта олқишга сазовор бўладилар. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата «оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз.

Агар қўпол, каттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар», дейди.

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Ҳар қандай миллий тикланиш уйғониш замонидagina муваффақиятли амалга ошади. Миллий уйғониш асосан маънавий, ахлоқий камолатида юз беради. Маънавий камолат фақат ўтмишни тўла тушуниб олишгина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборатдир. «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга боршии керак. Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидир».¹

қадриятлар дейилганда фақат ўтмиш даврлар учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан ҳозирги кун ва келажакдаги тараққиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган, кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий, маънавий, табиий, диний ахлоқий, фалсафий ва бошқа бойликлар мажмуи тушунилади.

Кишилиқ жамияти тараққиёти ва истиқлол учун аҳамиятли бўлган ижтимоий, маънавий ҳодисалар қадриятлар жумласига киради. қадрият деган тушунча қадр-қиммат деган маънони билдиради.

Ҳар қандай қадрият инсон фаолиятининг муҳим маҳсули, унинг объектив оламга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир. қадриятлар жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир давр, шароит ва эҳтиёжнинг маҳсули бўлиш билан бирга, унинг кўзгуси ҳамдир.

қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади.

Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар, ер ва ер ости бойликлари, сув ҳаво, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

қадриятларнинг бу турига иқлим шароити, табиат гўзалликлари, давлат аҳамиятига эга бўлган қўриқхоналар, табиатнинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган табиий шароит ва имкониятлар ҳам киради. Инсон табиат ва табиий имкониятларсиз яшай олмайди. Инсон табиатдан ажралмасдир ва табиатнинг жонли қисмидир.

қадриятлар моддий ва маънавий қадриятларга бўлинади.

Моддий қадриятларга кишиларнинг моддий эҳтиёжларини бевосита қолдирувчи нарса (ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат куроллари, меҳнат предметлари, моддий неъматлар ва бошқалар) киради.

Маънавий қадриятлар сиёсий, ҳуқуқий, бадий, диний, эстетик, фалсафий, ахлоқий қадриятлардан иборатдир.

Одоб – ахлоқ, урф-одатлар, маросимлар шаклида намоён бўладиган қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кишиларнинг ўзаро муносабатларида, юриш-туришида, ахлоқи ва одобида кўзга ташланади.

Яхшилиқ, ҳалоллик, поклик, хайрихоҳлик, ҳамкорлик, бурчга содиқлик удумларига асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар ҳам мавжуд. Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш, табиий эҳтиёжларни қондириш билангина тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, қобилият, талант ва истеъдодларини намоён қилади.

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари. Т, 1995, 46-бет.

Эстетик қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар киради.

Диний қадриятларнинг, хусусан, ислом қадриятларининг мағзини одамлар дилига эзгулик ва покликни сингдириш ташкил этади. «Ислом дини-бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У куруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».

Миллий, минтақавий, умуминсоний қадриятлар ҳам бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан алоқадорликдадир.

Ҳар қандай қадрият ижтимоий тараққиёт жараёнида бирон-бир тарзда намоён бўлади, табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни ўзида акс эттиради, ўзгариб ривожланиб, бойиб, такомиллашиб туради. Тарихий тараққиёт жараёнида бўладиган ўзгаришлар ва ривожланишлар қадриятларнинг мазмунида ўз ифодасини топади.

Барча давлатларда, жамики ижтимоий тузумларда инсон олий қадрият ҳисобланади. Ҳамма нарсани қиладиган олий мавжудот-бу инсон олий ҳазратларидир. Тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам, инсон фаолиятидан бошқа нарса эмас.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларни дилида жо қилиб олган, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, демократия, янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон-энг олий даражадаги бойлик, қадриятдир. Инсоннинг олий қадрият эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатларида ифодаланади. қадриятлар инсонлар ўртасидаги муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Инсон кадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилишга асосланади.

Ўзлигини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан, шахснинг тақдирини белгиловчи ғоят муҳим ҳислатдир, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан бирга унинг бошқа кишилар кўз ўнгида кадр-қимматини йўқотишга сабаб бўладиган қилиқларига йўл қўймайдиган тўсиққа айланади. Ҳар бир инсон энг аввало ўзини ҳурмат қилиш, кадр-қиммати, ор-номуси, шаънига доғ туширмаслиги лозим. кадр-қимматини, ор-номусини сақлай билиш муҳим инсоний фазилатдир. Иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда кадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Ўзини ҳурмат қилмаган киши ўзгаларни кадрлай олмайди. кадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

кадр-қиммат шахсни ҳурматлаши, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам қамраб олади. кадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага келади.

қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолиятида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр-қиммати бўлмайди. қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Фалсафа фани инсоний қадриятларни ижтимоий шаорит тақозоси билан юзага келган ахлоқий нормалар-юриш-туриш қоидалари сингари, жамики инсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ўстириш, қобилятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўзида бор бўлган ҳамма имкониятларни ишга солади. Кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муҳофаза қилиш масаласида жуда

катта ишлар амалга оширилди. Юмалоқ хатлар ёзиш, бўхтон қилиш, кадр-қимматга ва ор-номусга тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан тақиқланган.

Ногиронлар, рухий касал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, пенсионерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат йўли билан муҳофаза қилинади, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойнинг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси қонунларида фуқаролар ор-номуси, кадр-қимматини сақлаш ва муҳофаза этиш, муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10-моддасига мувофиқ, республика фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.¹

Мустақиллик туфайли миллий маданият ва кадриятларнинг тикланиши жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсон тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқбол йўлини очиб беради.

Ўзбекистон давлати кадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётида тутган ўрни бекиёс эканини эътиборга олиб, уни тиклаш, янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, ундан халқимизни баҳраманд қилишнинг яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқди.

кадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асраш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга далиллик билан интилмоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли кадриятларимиз барпо этиляпти.

Миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳам мавжуд. Миллий кадриятлар айрим халқ, миллатлар ва элатларнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисидан иборат.

Миллий кадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши муайян бир миллатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, удумлари, жамики моддий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввур фақат ғоя эмас, балки туйғу ҳамдир. Миллий туйғу-табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихи, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш ҳиссий шаклда мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва кадриятларини қандай қилиб англашини тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий кадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий кадриятлардан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният учун энг катта жиноятдир.

Ҳар бир кишида ўз кадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси бўлади. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Бу туйғу инсоннинг алоҳида кадр-қиммат туйғусига ўхшайди. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий кадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий кадриятларнинг кучайиб бориши миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, бошқа миллатлар ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасликка олиб келмаслиги керак.

Умуминсоний кадриятлар ўзининг мазмуни, моҳияти, кенг миқёсда амал қилиши, дунёдаги кўплаб халқлар, элатлар, миллатларнинг ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-бет.

истикболдаги тараққиёти билан узвий алоқадорликда эканлиги, ўзида жаҳон цивилизациясининг яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтакавий ва миллий қадриятлардан тубдан фарқ қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сихат-саломатлигини сақлаб қолиш, хавфли касалликларни ўзаро ҳамкорликда олдини олиш, озиқ-овқатга, энерги ва ёқилғига бўлган танқисликни тугатиш, маданий бойликларни, цивилизацияни эсон-омон сақлаб қолиш, урушларнинг бошланишига йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолиш-буларнинг ҳаммаси умуминсоний, умумбашарий қадриятлардир. Умуминсоний қадриятлар алоҳида халқлар ва миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкидир.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмун жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, уни ўз ичига олади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги ва умуминсонийлигини ифодалайди. Миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлардан ажратиб олиб, унга маҳлиё бўлиб кетиш, ўз миллатини мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш, бошқа миллатлар вакиллариининг миллай туйғу ва нафсониятларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин. Бу энг хавфли нарсас. Шунинг учун ҳам бу масалада ҳушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, камтарлик, қуюшқондан чиқиб кетмаслик, ўзга миллат кишилари тили, маданияти, ўзга миллат, анъана ва удумларини астойдил ҳурмат қилиш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган алоҳида тарихга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий этади.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва шу қабила тарихий тақдирларининг ўзаро боғланиши, чирмашуви, бир-бирини тўлдириш асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан умумий хусусиятларга эга бўлмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлмаганда, улардан ўрганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан бирга баҳам кўрмаганда эди, у бахтсиз миллат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизациясининг самараларидан фойдалана олмаган бўларди.

Халқнинг улуғворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний хусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасидадир. Айни чоқда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Гап шундаки, миллий манфаатларни, миллий қадриятларни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга қарама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни қайсидир миллат ва элатнинг манфаатларига ҳилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаат баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни олқишлаш миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир ўтказди. Бир миллатнинг манфаати ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажралмаган ҳолда ўрганилиши керак. Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқилона ва холисона ўрганиш мустақиллик шароитидаги иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётнинг асосий шароитларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда илмий ва холисона иш тутиш керак.

Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш-миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашининг асосий бўғинидир.

Халқларимизнинг яхши анъаналари, удумлари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, яхши қўни-қўшничилик, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлар қайта тикланмоқда. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади, албатта.

Халқимизнинг буюк фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, уларнинг кадр-қимматини тиклаш, таваллудларини ўтказишда республикамизда кейинги вақтларда кўп хайрли ишлар қилинмоқда.

Инсон кадрини эъзозлаш, унинг обрц-номусини тиклашда мамлакатимиздаги шаҳарлар, жойлар, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар, мактаблар, кўчаларга халқимизнинг улуғ фарзандлари номларининг берилиши тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин бундай ишлар шошма-шошарлик билан эмас, балки оқилона ҳал қилиниши лозим. Бизнингча, Хоразмий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк инсонларнинг муборак номларини йирик илмий марказлар, машҳур дорилфунунлар, ҳарбий ўқув билимгоҳларига берилса тарихий ҳақиқатга мос тушган бўлур эди.

Инсониятни эъзозлаш, унинг қадо-қимматини жойига қўйиш-бу миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг қадимий ва бой тарихига, унинг анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат билан қараш демакдир.

Ўқбекларнинг миллий маданияти ва қадриятлари Ватанимизда биз билан бирга яшаётган ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган барча халқлар билан ўзаро ҳамкорликда тикланади, чунки миллий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши умумбашарий қадриятлардан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Умуминсоний қадриятлар ривожига миллий қадриятлар қанчалик муҳим аҳамият касб этса, ўз навбатида умумбашарий қадриятларга таянмасдан туриб миллий қадриятлар ҳам мукаммал ривожлана олмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам диалектик алоқадорлик асосида ривожланиб, такомиллашиб боради. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи,-деб таъкидлайди. Президентимиз И.А.Каримов,-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.¹

Миллий маданият ва қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш, уларга эътиқод қўйиш, ёш авлодда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, Ватан бахт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга етишга ундайди.

Ҳа, мустақиллик шароитида республикамизда маданият, маънавият ва қадриятларга муносабат жиддийравишда ўзгарди. Буни ҳаётимизда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг яққол намоён бўлишида ҳам кўришимиз мумкин. Луқмон Бўрихон ўз асарларида ана шу масалаларни ўзига хос услуб билан ёритган. Биз буларни ишимизнинг кейинги қисмларида кўриб чиқамиз.

2 Моҳиятга интилган миллийлик

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. 5-бет.

Истеъдод-Яратганнинг инъоми. Истеъдодли шахс ўздан кечиб бу инъомдан фойдаланиши ҳам мумкин, юксак илоҳий марҳаматни ўткинчи ҳою-ҳавасларга қурбон қилиши ҳам унинг ихтиёрида. Мана шу ўринда шахс бутунлиги ҳал қилувчи ўрин тутади. Лукмон Бўрихон асарларида тасвирланган туйғулар миллатнинг руҳига, табиатига кўчди.

Лукмон Бўрихон асарларидаги беадад самимият, туйғулар чинлиги кишини беихтиёр ўзига асир қилади. Адиб тасвирлаган образлар инсон туйғуларини, ҳиссиётини шу қадар чуқур акс эттирадики, уларни дарҳол севиб қоласиз. Чин инсоний сезимларнинг яхлит ва таъсирчан ифодаси билан дилни ром этади.

қиссалардаги безовталиқ, қоникмаслик китобхонни ўзини тафтиш қилишга олиб келади. Тафтиш эса покланиш йўлидаги дастлабки бекатдир.

Лукмон Бўрихон асарларини кўнгилга яқин қилган, миллатнинг руҳига дўндирган жиҳатлар қайсилар. Не боисдан у ўзбекнинг сезимли ифодасига айланди. Бизнингча, адиб асарларидаги энг ёрқин белгилардан бири самимийликдир.

Ёзувчи асарларини эларо ару қилган, миллат руҳининг тимсолига айлантирган сифатлардан яна бири ундаги образларнинг теран халқчил томирларга эғалигида деб ҳисоблаш мумкин. Энг мураккаб ҳолатларни ҳам ғоят улкан назокат ва юксак маданият билан таъсирли қилиб ифодалай билиш ёзувчи асарларининг қимматини оширади.

Лукмон Бўрихон қиссаларида миллий кадриятларимизга алоҳида эътибор берилган. Ёзувчининг «Хизр кўрган йигит», «Сирли муаллим», «Қидирувдаги қиз» қиссаларида Мухаббат ва Нафрат, Ҳаёт ва Ўлим каби мангу мавзулар қаламга олинган.

қиссалар эртақнамо сюжетлар асосига қурилганлиги, уларда ўзбек халқига хос урф-одатларнинг кўплаб келтирилганлиги айниқса диққатга сазоворлир. Буни «Хизр кўрган йигит» иссида ҳам кўриши мумкин.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқ фольклор намуналарида Хизр билан боғлиқ афсона ва ривоятлар кўплаб учрайди, Лукмон Бўрихон ҳам ана шу ривоятдан усталиқ билан фойдаланади. Асар –йидаги сўзлар билан бошланади.

«Кечагина эшагига қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажобтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а . Наҳотки Хизр кўрганим чин».¹

қисса қаҳрамони Қоржов қишлоқда ўсган содда йигит. У ҳам бошқа тенгдошлари катори ўқишни, яхши яшашни, кийинишини ва севгини истади. Қоржов ҳақсизликка чидай олмайди, туман амалдорларининг қилвирликларини кўрган Қоржовга отасининг амалдорларнинг фирибига шерик бўлаётгани ёқмайди. Аммо отасининг бу ҳаракатини унинг юзига солишга фарзандлик андишаси ҳалақит беради. Отасига тик боқолмайди. Фақатгина уларга бўлган нафратини меҳмонларга эшитилар-эшитилмас салом бериш ва уларга ялтоқлик қилмаслик билан ифодалайди. Отасининг «меҳмонларнинг олдига уялтирдим-ку. деган танбеҳига қуйидагича жавоб беради.

-Улар меҳмонмас...-тўнғилладим мен ҳам чўпон таёғига ўмгантираб.-Ўғрилар...тирик молларни ўлдига чиқариб...

-Тавба, ахт қилишганини энди кўряпсанми. Ҳар доим шундай-ку. Бунинг нимаси орқангни қичитяпти.

-Ота...-дедиму яна ўчиб қолдим, бутун дарду аламимни яққол ифодалайдиган сўзни тополмай қийналар эдим.-Ота, шу сизга зарилми, а, Нима уларнинг олдига муттаҳаммисиз, қулимисиз шу энағарларнинг. Давлат молининг шўрини қуришиб ётган шулар-ку. Шу қузғунлар нима деса, доим кўнасиз...²

Ушбу диалогдан кўриниб турибдики, қисса қаҳрамони бироз чапани. Отаси ўғлининг бу таънасига жавобан «Агар менга ичинг ачиса, сен ўқи. ўқигин болам. Сен ҳам бир устолни эгалла» дейди ва «Оми-и-ин, Худо-ё, биз бечоралардан ҳам мурувватингни

Лу кмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти Т. , 2007, 4-бет.

² Ўша китоб. 9-бет.

аяма. Кўзим очиклигида, ҳеч курса, кенжамнинг ўқимишли арбоб бўлганини кўрай, илоё...»¹ деб дуо қилади.

«Қизик , ўшанда отамнинг илтижолари қабул бўлганми,-дея давом этади. Асар қахрамони,-ё менинг Хизр кўрганим чин чиқдими, ишқилиб, синфдош жўраларим катта шаҳарларни кўзлаб кетган, мен гангиб, отам ҳижолатланиб юрган кунлардан бирида, ниҳоят, рмад деганлари биз ёққа ҳам кулиб бокди».²

Шу тариқа асар қахрамонининг худди эртақлардагидек саргузаштлари бошланди.

Дарвоқе, қисса воқеалари ровий тилидан ҳикоя қилинади. Бу вазифани асар қахрамонининг ўзи Қоржов исмли йигит бажаради.

Ёшлик-ғўзаллик. Санъат ғўзалликни тасвирлаши жоиз. қайси асарда ёшлар образ, маромида тасвирланган бўлса, унда ғўзаллик акс этиши аниқ.

Ёшлик-ҳамиша янгиланиб турадиган ҳолат. Йил давомида ўн икки бор «туғади». Нозик қизнинг ипдай қоши монанд ҳилолга боқиб инсонлар яхши ният қиладилар, юзларига фотиҳа тортадилар. Ҳар кўкламда бойчечак очилади, игнанинг учидай ялпиз бош кўтаради. Бу янгилик ҳам инсон қалбини кўтаради, ёшартиради. Санъат, адабиётнинг вазифаси оҳорлиликни кашф этиш, мангуга муҳрлашдир. Бошқача айтганда, ёшлар характери тасвирлаш-эскирмайдиган янгиликни ҳис эттириш. Ёзувчи Лукмон Бўрихон ёшлар тимсолини яратишнинг фалсафий-эстетик моҳиятини теран англаб, ўз қиссаларида ёшликни турли алфозда тасвирлади.

Унинг асрлаида Қоржов, Маржона («Хизр кўрган йигит»), Нажот Ғайбулла, журналист йигит («Сирли муаллим»), Малик, Ҳабиба, Нусрат («Қидирувдаги қиз») сингари ёшлар образи бор. Улар,асосан, катталар соясида яшайдалр, ўзларини мустақил куч демайдилар. Лекин Лукмон Бўрихон бу ўсмирлар ўғлим, «ярқ» этиб кўринган ҳолатларини дарҳол, ҳарорати пасаймасдан тасвирлайди. Аммо уларнинг қалбида эзгуликка интиқлик, севгига, ҳаётга ташналик, оилавий бахтга илинж, ёвузлиликларга нафрат бор.

Лукмон Бўрихон ижодини бир боғ десак, ундаги ҳар бир тимсол, характер, мисоли, серхосил дарахт. Ёзувчи боғдаги дарахтлар таърифини турфа тақдирлар мисолида тасвирлайди. Лукмон Бўрихон асарларида қиёфодош, тақдирдош, маслакдош, касбдош-замондош тимсоллар талайгина. Чунончи, «Хизр кўрган йигит» қиссасининг қахрамони Қоржов тиниб-тинчимас, ўзини ўтга-чўққа уришга тайёр, саргузаштталаб йигит. Китобхон Қоржовдаги характерни кўриб «Шу бола ўзини бир жойга уриб олмаса эди» деган хавотирда қолади.

қоржов ҳозирги замон ёшларининг вакили. У зиддиятли ҳолатларда ҳаёт кечиради. Ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган ўспирин. Қоржовнинг отаси оддий чўпон. қишлоқдан чиқмаган. Ўқимаган. Шунинг учун ҳам у шаҳарга бориб ўқимаганидан афсусда ва энди ўғлининг ўқишини, амалдор бўлишини истади.

қоржов отасининг танишлари ёрдамида шаҳарга келади. Шаҳардаги мураккаб ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Қоржов каби ўсмирлар руҳида эзгулик, келажакка умид бор. Адиб Қоржов образини меҳр билан тасвирлайди. Унинг нутқи ҳам ўзига хос. Қиссада диққатни жалб қиладиган истилоҳ, атамалар кўплаб учрайди. Адиб унутилаётган сўз ва ибораларни жонлантиради, уларни фаол сўз, иборалар сафига қайтаради. Гапчиноз, қорувли, нукси, керага, чий-чийлаб, тизинглаб, энағар, серри, товдон, престиж, бувак, биққи сингари сўз ва иборалар диққатни жалб этади.

«Хизр кўрган йигит» қиссасидаги Қоржовнинг ўзига хос хислати, Маржона характери адибнинг ёшлар образи устида пухта ишлаганлиги, ёзувчи ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ёшлар руҳидаги ўсиш-ўзгаришларни кунт билан кузатганлигини кўрсатиб турибди.

¹ Ўша китоб. 10 бет.

² Ўша китоб. 10-бет.

Шарқ мусулмон дунёсида устоз (пир, муршид) энг эътиборли тушунча бўлган. Зеро халқ мақолларида «Устоз-отангдан улуғ» деб бежиз айтилмаган. Қоржов дастлаб Тоштемирни устоз деб билади. Унинг ҳурмати жойига қўйишга ҳаракат қилади. Бироқ кейинчалик Тоштемир акадаги очкўзлик, хасислик, лаганбарорлик каби иллатларни кўрган Қоржов Тоштемирни «менеджер» эмас «менижер» деб атайди.¹ Бу ҳолат айниқса Тоштемир ака нуфузли мусобақалардан бирида Қоржовга пул ҳисобига мағлуб бўлишни таклиф қилганда яққол кўзга ташаланади.

Шу воқеадан кейин ўртамиздаги омонат парда буткул йиртиб ташлангандай бўлди. Тоштемир ака кўз ўнгимда шунчаки Тоштемир (менижер) га айланди-қолди. Унинг олдида бемалол оёқ узатиб ўтирадиган, узундан-узоқ жаврашларини (сергап-ку у) шартта узадиган бўлдим. Қизиқ, Тоштемир ака бундай хатти-ҳаракатимдан ҳеч бир оғринмас, билиб-билмасликка олиб қўяверар эди. Балки илгари ҳам унинг феъл-атвори шунақа бўлган-у мен пайқамагандирман. (Ҳар қалай, хувв, маънавий ғалабадан свнг сезгир, шубҳакор бўлиб қолган эдим).

Қоржов исёнкор. У ҳақсизликка тоқат қилолмайди. Шунинг учун ҳам Тоштемир акага ўчакишиб бебошликлар қилади. Ўзича ичмоқчи, чекмоқчи ва аёллар билан юрмоқчи бўлади. Қоржов буларни эплай олмайди.

Киссада Қоржов тилидан Хизр номи бир неча бор тилга олинади. Маълумки, Хизр образининг келиб чиқиши ва шаклланиш босқичлари халқимиз тафаккурининг қадимий қатламларига бориб тақалади. Унинг шаклланишида жуда кўп мифологик тасаввурлар, жумладан, культ мифлари ҳам муҳим ўрин тутади. Хизр образининг генетик асослари, айниқса деҳқончилик маданияти ва ҳосилдорлик культлари билан ҳам чамбарчас боғланган. Ўрта Осиё халқлари деҳқончилик маданияти анъаналари, удум ва маросимларида бу образнинг муҳим ўрин тутганлиги илмий адабиётларда ҳам қайд қилинган.² Деҳқонлар орасида мавжуд бўлган мифологик қарашлар бўйича, Хизр-афсонавий ҳомий, у ҳосилнинг мўл бўлиши ва йилнинг баракали келишини таъминлар эмиш. Яшил тўн кийган оқ соқолли нуроний чол кўринишида намоён бўладиган Хизр далаларни кезиб юриб, экинларга барака ато қилармиш.

Яна бир ривоятда, хазрати Хизр яхшилик ҳомийси, одамларга оғир дамларда ёрдамга келади, кишиларга бахт ва бойлик ато этади.³ Лукмон Бўрихон халқ орасида юрган бундай ривоятлардан жуда усталик билан фойдаланади ва кисса қаҳрамонининг саргузаштнамо ҳаётига сингдириб юборади. Бу ҳақда «Хизр кўрган йигит» қаҳрамонигина эмас, унинг атрофидагиларнинг тасаввури ҳам шундай. Улар ҳам Қоржовнинг Хизр кўрганига ишонишади. Қуйидаги парча фикримизнинг исботидир.

Куни-кеча коллеж билан хайр-хўшлашиб, ич-ичимдан алланечук ғусса кўзғалиб хужрамга етиб келганимда Тоштемир ака мени бетоқат кутиб турар эди. Юз-кўзлари тўла ҳаяжону завқ-шавқ.

-Қоржов-деди у қаршимга қулоч ёйиб чиқаркан.-Хизр кўргансанми, нима бало. А.

Дарров англадим омадим чопган. Ҳа, деб омад кулиб боқаверса ҳам одамнинг эти ўлиб коларкан, шекилли, на қувондим, на ҳаяжонландим. Тоштемир аканинг кўнгли учун илжайиб тураверардим.⁴

Лукмон Бўрихоннинг бошқа қиссаларида ҳам Қоржов каби халқ ичидан чиққан қаҳрамонларни учратасиз. Уларда худди халқ эртакларидаги каби сюжетлар, ажойиб-

¹ Лукмон Бўрихон . Хизр кўрган йигит, Шарқ» НМАК Бош таҳририят, Т. 2007, 15-бет.

² Спесаров Г.П. Реликтё домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М. 1969. с. 223.

³ Кармўшева Дж.Х. Земледельская обрядность у казаков Древние обрядё, верования «культё народов средней Азии М. 1986, с. 50.

⁴ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ» НМАК, 2007, 19-бет.

гаройиб воқеалар учрайди. Лукмон Бўрихон қаҳрамонлари худди халқ эртақларидаги каби воқеаларни бошидан кечирадилар. Кутилмаган муаммоларни ўз ақл-заковатлари, топқирликлари билан ечадилар. Керак бўлса улар худди донишмандлар, зукко Афанди, эртақлардаги кал, шахзода, малика, камбағал ўтинчи ва ҳоказоларга ўхшаб ўз мақсадлари сари интиладилар, ҳар қандай вазиятдан эсон-омон чиқиб, худди эртақлардаги каби мурод-мақсадларига етадилар. Масалан, биргина «Хизр кўрган йигит» қиссасининг қаҳрамони Қоржовни олиб кўрайлик. Қиссада девкор ва содда чапани йигитнинг табиати жуда жонли тасвирланган. Бу тимсолнинг нафасини тўйиб, ҳаракатларини кўриб тургандай бўласиз. Чунки ифода сохтакорлик, зўракилик, атайинликдан бутунлай холи самимий ва табиий.

Асарда омма руҳиятининг поэтик манзараси маҳорат билан яратилган. Ёзувчи қаҳрамонлар тимсолини эсда қоларли қилиб чизиб бера олган. Булар ҳар бир ўқувчига ўз тасаввуридаги кишиларни келтириб олиши имконини беради. Адиб донолик даво қилмайди, ўқувчига руҳият ва абадиятдан сабоқ бермайди, уни юксаклардаги нурли манзилларга чорламайди.

Одам ҳамиша ижтимоий муносабатлар оғушида яшайди. Ҳақиқий ёзувчи фаол инсон ва ҳақгўй ижодкор бўлгани учун ҳам ана шу муносабатларни ўз битикларида акс эттиришга маҳкум. Шунинг учун адибларнинг фикрлари, қарашлари ҳамиша эътиборга молик, маърифий ва ижтимоий ёки салмоқли бўлади. Лукмон Бўрихон қиссалари шу жиҳати билан ажралиб туради. Адиб қиссаларида ўзбек кишисининг ҳаёт йўли, ўзбекнинг узоқ ўтмиши, кечаги куни, бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги кузатишлар, ўйлар, сезимлар баён этилган. Муаллиф қиссаларига ўзи, юрти, юртдошлари, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ўрни ҳақида ўйлайдиган одамнинг ўзига хос бир ҳисоботи, босиб ўтилган тириклик йўли ҳақидаги ўйлари, халқимизнинг ўзбекона урф-одатларини жуда чиройли қилиб чизиб беради.

Лукмон Бўрихон қиссаларида шарқона урф-одатларимиздан бири бўлган совчилик маросимини олиб кўрайлик. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, Лукмон Бўрихон ўзбек маросим фольклори жанрлари составини жуда яхши билади, ҳар бир жанрларнинг тарихий илдизлари, ривожланиш йўллари, поэтик табиати ва тарихий тақдирини яхши билади. Шунинг учун адиб маросим таркибидаги фойдали ва зарарли томонларини ёритиш ва шарқона удумларимизни ҳаётимизга жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Масалан, тўй билан боғлиқ маросимларни олиб кўрайлик. Тўй дунёнинг барча халқларига хос маросимдир. Чунки инсоннинг бир ёш мансубиятидан иккинчи бир ёш мансубиятига, бир оилавий ҳаёт тарзидан иккинчисига ўтмиш ҳамма вақт тўй маросими билан нишонланган. Мана шунга қараб ҳукм чиқарилса, кишилар ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқталари тўй маросимлари воситасида «расмийлаштирилган, қонунлаштирилган».

«Тўй» атамаси «тўймоқ», эл-юртга зиёфат бермоқ» маънолари орқали муайян киши ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқтасини англатади. Бинобарин, тўй ҳам моддий, ҳам маънавий озиқланиш маросимидир.¹

Тўй маросими фольклори М.Алавия томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.²

Ўзбек тўй маросимлари сирасида никоҳ тўйлари расм-русумларга, ирим-сиримларга бойлиги, фольклор материалнинг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ранг-баранглик ҳамда кўтаринки руҳ маросимнинг мақсад ва вазифаси билан инсоннинг ўз ҳаётининг янги даврига қадам қўйишини алоҳида қувонч орқали нишонлаши билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам никоҳ тўйлари йигит ва қизлар ҳаётида рўй берадиган энг бахтли, энг унутилмас маросим саналади.

¹ Ўзбек фольклори очерклари. «Фан» Т. 1988, 186-бет.

² Алавия М. Ўзбек маросим қўшиқлари. Т. 1974, 153-214-бетлар.

Никоҳ тўйи маросими барча узвлари билан яхлит олиб қаралса, анчагина катта муддатни ўз ичига олади. Чунки маросим қиз танлаш воқеалардан бошланиб, никоҳ кечасидан бирмунча муддат кейин ўтадиган куёв чақириқ маросими билан якунланади. Шунини ҳисобга олиб ўзбек никоҳ тўйларини уч босқичдан иборат деб қараш мумкин. Адиб Лукмон Бўрихон «Хизр кўрган йигит» қиссасида никоҳ тўйининг биринчи босқичидаги қиз танлаш, танланган қизга совчи юбориш, эшик очди ва унаштириш, яъни фотиҳа қилиш маосимларига тўхталади. Буни қиссадаги Қоржовнинг отаси ва бир нечта обрўли одамларнинг Маржоналарникига совчи бўлиб борганликларидан ҳам билиш мумкин.

«Меҳмонхона ғала-ғовурга кўмилди. Бақоев ва Тоштемир ака бири қўйиб бири олиб совчилик тафсилотларини кўпиртириб гапиришга киришган, йиғилганлар эса ҳайрату ҳаяжон билан уларнинг оғзига тикилишган эди.

Уй тўрини эгаллаган отам меҳмонларнинг олқишу қутловларига мамнун-мамнун илжайган қўйи бош ирғаб, гоҳ-гоҳ ўзи ҳам алланималар, дея мактаниб ўтирарди».¹

Қоржовнинг отаси «Шаҳарнинг урф-одатини билмадим-у...бизнинг овулларда унаштириш ҳам ярим тўй» дейди.

Шунингдек, «Хизр кўрган йигит» қиссасида никоҳ ўқитиш маросимига тўхталиб ўтилган. Булар шунини кўрсатиб турибдики, Лукмон Бўрихон халқ ҳаётини, халқимизнинг урф-одат, турли ирим-сиримларини жуда яхши билади ва уларни ўз қиссаларида бадиий бўёқлар воситасида маҳорат билан тасвирлай олган.

«Хизр кўрган йигит» Қоржов, унинг соддагина отаси, ҳалок бўлгани аскар йигит Ўроқ Умрзоқов, ажойиб-ғаройиб муаллим Нажот Ғайбулла, суратчи йигит Малик... Буларнинг барида миллийлик уфуриб туради. Боиси қаҳрамонлар барча ҳаётий вазиятларда ҳам миллий асослар оғушида тасвирланади. Улар тимсолида ўзбекка хос бағрикенглик (Қоржовнинг чўпон отасининг неча марта тоғда меҳмондорчилик уюштирганлари, меҳмонларнинг оёғи остига қўй сўйганлари бунга яққол мисол бўла олади), меҳмондўстлик, камтарлик, камсуқумлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, самимийлик, болажонлик, дўстга садоқат сингари сифатлари намоён бўлади. Буни айтишса меҳмондорчиликлар билан боғлиқ ҳолатларда кўришимиз мумкин. Мезбонларнинг совуқ мижоз, еб тўймас, маст-аласт меҳмонларга оғринмай хизмат қилиши учун у фақат ўзбек бўлиши керак. Бошқа ҳар қандай миллат вакили бундай қуюшқондан чиққан меҳмонларга норозилигини билдирган бўларди.

Лукмон Бўрихон тасвирлаган қаҳрамонлар ҳаётий ва бадиий мантиғи билан ўқувчи хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолади. Адиб қиссаларидаги тоза ният, жасур қалб эгаси бўлган ўзбекка қаҳрамонлар маҳорат билан тасвирланган. Қиссаларнинг бетакрор ва ўзига хос тили алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбек тилининг камалак нурларидай сержало эканлиги қиссаларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаган омиллардандир. Ёзувчи қиссалар бадииятидаги бу ютуқларга асар моҳиятига мос оҳангни топа олгани учун эришган.

¹ Лукмон Бўрихон . Хизр кўрган йигит. «Шарқ», НМАК, Т. 2007, 72-бет.

Боб

1 Адиб қиссаларидаги миллат тимсолига айланган образлар

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган қисқа тарихий муддат ичида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан жуда катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Мустақиллик халқимиз маданий-маънавий тараққиётига ҳам кенг йўл очиб берди, топталган, камситилган миллий ғуруримиз, инсоний шаънимиз, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга қайта ҳаёт бағишлади. Мустақилликка ўтмиш жараёнида биринчи навбатда одамларнинг дунёқараши ўзгарди, ғурур, орият, шаън ва номус туйғлари кучайди, ҳаётга, меҳнатга, Ватанга, эл-юртга муносабат ўзгача тус олади, миллий маънавий муҳит соғломлашди, миллий ўзлигини англаш кучайди. Бир вақтда сунъий равишда шарқона урф-одатлар ва анъаналар яна одамлар ҳаётидан ўрин ола бошлади, ўзбекона меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, меҳр-мурувват, ўзгалар дардига ҳамдардлик қилиш сингари олижаноб фазилатлар қайта тиклана бошлади, авлод-аждодларимиз меросига эгалик қилиш ҳисси кучайди. Бошқача айтганда, маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди.

Халқнинг бойлиги, ақл-идроки ва тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида, ёзма ва оғзаки адабиётида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда ота-боболаримиз донолигини тушунишимизда кўхна тарихимиз, бетакрор маданият, маънавий меросимиз, ажойиб-ғаройиб обидалару асори-атиқаларимиз қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқи ўзининг 3 минг йиллик бой тарихи билан ҳар қанча фикрланса арзийди. У жаҳон фани ва маданияти тараққиётига шу қадар кўп ҳисса қўшганки, буни дунё аллақачон тан олган. Мовароуннаҳр халқлари дунёга Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари алломаларни етиштириб берган. Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Термизий, Хўжа Аҳрор каби уламолар халқимиз ғуруридир.

Халқимизнинг қаддини ростлаб олиши, ўз-ўзини англаши, тарихини ҳаракатга келтирадиган буюк кучга айланиши маданий-маънавий тараққиётга, жумладан, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотига ҳам маълум даражада боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Буни миллий адабиётимизда рўй берган жуда катта ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз ўз тадқиқотимизга манба қилиб олганимиз-ёзувчи Лукмон Бўрихон ижодида ҳам яққол кўзга ташланади.

Хўш, миллий кадриятларни акс эттиришда Лукмон Бўрихон қандай усуллардан фойдаланган. Аввало ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қилайлик.

Мустақиллик шарофати ила порлоқ истиқбол сарҳадлари сари дадил қадам ташлаётган давлатимизнинг бугунги тараққиётида маънавий кадриятлар тизими ва илм-фаннинг аҳамияти янада ортди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, истиқлол туфайли қадимий анъаналарга бой адабиётимизнинг ижодий имкониятлари ҳам кенгайди.

Энди адабиётнинг вазифаси мукаммал шахс образини яратиш экан, демак, унинг эътиқоди ва туйғуларини ҳам бадиий тасвирларда акс эттириши лозим. Лукмон Бўрихоннинг «Хизр кўрган йигит» қиссасида мужассамлашган бир ҳолатда кўрамиз. Айниқса, қиссада тўй маросими бугунга қадар сақланиб қолган одатларимиздан бири эканлиги асарда ўзининг ишонарли тасвирини топган. Одатда тўйларда полвонлар беллашадилар. Бундай миллий кадриятларимиз фольклоршунос олимларимиз томонидан ўрганилган мавзудир. Бу масалага биз ҳам ўз тадқиқотимизда қўл уришимиз бежиз эмас.

қисса воқелигини бойитишда адибнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги яна бир ўзига хос услубини кўриш мумкин. Унда ёзувчи асар қаҳрамони, ҳам ровий-Қоржов исмли йигитнинг руҳиятини очишга ҳаракат қилади.

Қиссада барча воқеалар ровий, яъни Қоржов тилидан ҳикоя қилинади. Қоржов бўлаётган воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузатади.

«Уч –тўрт тўй томошада донгдор курашчининг курагинитер искатиб полвон номини олдим, Қоржов полвон бўлдим. Эл-улус Чоршанби чўпоннинг кенаси Хизр кўрган, энди иқболи баланд бўлади деган гап-сўз тарқатибди. Мен кулибгина қўяр эдим. Тусмолдан биламан, бу миш-мишларга бўйинсам Хусан-Улаш агрономнинг ўғли тўқиб-бичи тарқатган. Ўзи кўй қувлоғидеккина бўлса ҳам ҳовлиқмалиги оламни бузади, устига-устак, отасининг шоирлидан оз-моз юққан-гапчиноз, дарров тўқиб-бичади, кўпиртиради».¹

Ўз-ўзидан маълумки, бешик тўйи, хатна тўйи, мучал тўйи, никҳ тўйи халқимизнинг қадимий одатларидан. Бу одатдан кўриниб турибдики, тўйларда албатта қадим-қадимдан полвонлар беллашиб келади. Ҳаммани енгган курашчига полвон номи берилади.

Луқмон Бўрихон тўй маросими ва Хизр кўриш ҳақидаги ривоятни ўз қиссасининг сюжет тўқимасига маҳорат билаг сингдиради. Албатта, халқ орасида амал қилинадиган маросим ҳамда удумларнинг муайян тарихий асослари, ижтимоий вазифалари ва халқ ҳаётида тутган ўзига хос ўрни бор.

Бой миллий қадриятлари бор миллат ва элнинг ички сирли, такрорланмас анъаналаридан нафақат қаҳрамони, балки ўқувчи ҳам огоҳ бўлади. Энг муҳими эса, улар ёзувчи асарлари тилини ширин, равон шу билан бирга воқеликнинг ишонарли, содда таъсирчан бўлишини таъминлаб беради. Бу борада В.Г.Белинскийнинг бир фикри бор. «Яхши тушунилган нарса, енгил ва осон ёзилади».

Дарҳақиқат, ёзувчи ўзи англаган ҳақиқатни бадиий ҳақиқат даражасига чиқаришда қийналмаганидек, ўқувчи ҳам уни идрок этишга қийналмайди. Шу сабаб Луқмон Бўрихон қиссаларида тасвирлаган воқеалар кўз олдимизда бор бўй-басти билан гавдаланади. Ёзувчи қаҳрамонлар характери, орзу-армонларини, давр дардини асарда тасвирлаш билан бирга миллат дарди, миллат кишининг қиёфасини яратишга интилади.

Луқмон Бўрихон қиссаларида бир эмас, балки қатор муҳим ғоялар, давр, замон учун долзарб, аҳамиятли фикрлар ўртага ташланган. Лекин шундай бўлса-да, инсон ҳаётининг маъноси унинг жамият, ҳаёт, одамлар олдидаги масъулиятли, инсонлик шаъни, бурчи сингари масалалар асарнинг етакчи пафоси вазифасини, ғоясини ташкил этади.

«Хизр кўрган йигит» қиссасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Луқмон Бўрихон қаҳрамонларнинг барчасини ўз тили билан гапиртиришга, туйғуларни ўзига хос йўсинда ифодалашга эришган.

Масалан, «Теварақдаги қир-тепаликлар беҳол сулайган туяларга ўхшайди. Бир бўз тўрғай баланд учиб, куёш тигларига тўш урган кўйи бўзлаб ётибди. Аҳё-аҳёнда менинг ҳам лаб-лунжимдан ажобтовур хиргойилар чиқиб кетмоқда», ² жумлаларини ўқиган китобхон бу нутқ асар қаҳрамони ва ровий вазифасини бажарувчи Қоржовга тегишли эканлигини англайди.

«Агар менга ичинг ачиса, сен ўки, ўқигин болам. Сен ҳам бир устолни эгалла. Сен ҳам ўтов тўрида ёнбошлаб маишат қил, акт ёз. Ана шунда отангнинг кўнгли тоғдай кўтарилади, ана шунда чин зўр саналасан, бу иш таёқ кўтариб бировларни қулаб юргандан ҳам соз бўлади. Ўқисанг, арбоб бўлсанг, таёқ кўтарганининг мингтаси оёғинг остига кигиздай тўшалади».³ Шубҳасиз, бундай гаплар содда ва тўғри сўз Чоршанби чўпонга хос. Унинг исми ҳам ҳақиқий ўзбекона Чоршанби. Боиси у чоршанба куни туғилган бўлса керак ва тоғлиқлар одатига кўра чақалоққа шу ном берилган.

¹ Луқмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. Шарқ. Т. 2007, 4-бет.

² Луқмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ». Т. 2007, 7-бет.

³ Ўша китоб, 10-бет.

«Қарз-парздан гап очманг бова. Бизларга дуодан йўқлаб турсангиз, бас. Хай, кўнглингиз жойига тушмаса, ана, ҳимматингизга қаранг, бир-икки кўзини бизга атаб сурувга қўшибгина қўйинг, қўпайишибгина юраверсин. Лекин қарз-парздан гап очиб, мени хафа қилманг, дуода бўлинг, бова, дуода. Ахир, савоб ҳам керакку...».¹

Бу сўзларни ўқиган китобхон кўз ўнгида савобни ўзига ниқоб қилиб олган, аслида еб тўймас ва таъмагир, олғир Тоштемир аканинг киёфаси гавдаланади.

«-Ай, ямш-шанг, Қоржовбой. Сизни безовта қилмас эдигу, баъзи бир оғайнилар, шогирдлар қўйишмади-да»...²

Бу нутқнинг бироз такаббур ва димоғдор амалдор Беккул Тўракуловичга тегишли эканлиги ойнадагидай кўзга ташланиб турибди.

«-Эй, охарник.

-Эй, ана-у ердан озгина райхон териб беринг».³

Бу жумлаларни эса Беккул Тўракуловичнинг эркатой қизи Маржонагина айтиши мумкин, холос.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Лукмон Бўрихон ижодининг илк кўринишларидан бошлаб халқ оғзаки ижодига яқин услубда қалам тебратиб келаётган адиблардан. Буни архаик сўзлар, тушуниш қийин бўлган араб, форс сўзларини асар таркибига олиб киришдан қочиш, халқ учун тушунарли бўлган содда, пишиқ ва ихчам, мазмундор ибораларни қўллаш, умумхалқ сўзлашув нутқига яқин услубда ижод этиш маҳоратида кўрамиз. Лукмон Бўрихон халқимизнинг асрлар давомида тўпланган сўз бойликларида ижодий фойдаланади. Шулар билан бирга, асарда инсон руҳиятини тасвирлашда ҳам фольклор аъёналарининг қўл келиши кузатилади. Шу сабаб адиб Қоржов, Чоршанби чўпон, Тоштемир ака, Беккул Тўракулович каби образларнинг қалбида кечадиган изтироблар билан онгидаги ақлий салоҳият ўртасида боғланиш ясайди.

Ёзувчи характерларнинг шаклланишидаги жараёнларнинг тағ замирини қадимий халқ қарашларига олиб бориб боғлайди.

Ўзбек қиссачилиги кейинги йилларга келиб ўзининг ранг-баранглиги, қамров қўламининг кенглиги, шакл ва мазмундаги янги жиҳатлари билан етакчи мавқега эга бўлди. Кейинги йиллардаги ўзбек қиссаларида ифода ва тасвир имкониятлари кенгайгани яққол кўринади. Бадиий характер яратиш борасида ҳукмрон мафкура тажовуздан холи бўлиш, шаклий-услубий изланишлар инсон руҳияти тадқиқотини янги бадиий мезонларга қўтаргани сезилади. Бундай йўналиш ёзувчи Лукмон Бўрихон ижодида ҳам кўринади. Унинг жиддий изланишлари нитижасида янгича тасвир, теран фалсафий бадиий талқин, қаҳрамон руҳиятини ифода этишга интилиш каби хусусиятлар асосий тенденцияга айланган.

Лукмон Бўрихоннинг бир қатор қиссаларида аъёналаримизнинг ёрқин тасвирини кўрамиз. Миллат менталитетидаги сифат ўзгаришлари ёзувчининг услубий янгилинишига тўртки беради. «Қидирувдаги қиз» қиссаси бир қарашда детектив асарга ўхшаб кетади. Асар қаҳрамони Маликнинг ҳали онги, шуури тўла шаклланмаган. У ёш болаларга хос кўрган нарсаларидан хис-ҳаяжонга берилади. Содда, ишонувчан.

Болаларга хос ана шундай самимий ва беғубор фазилятлар доимо катталарни ҳайратга солиб келган. Асарда тасвирланган оний ҳолат ўқувчига кадрдондай туюлади. Муаллиф Маликнинг ана шундай болаларча содда ва лақмалиги Маликка панд берганини кулгили бир ҳолат орқали очиб беради.

Кўчада бадантарбия қилиб қайтаётган, майкачан, калта шортик кийган Малик кўчада сут сотаётган аёлни кўриб, кўнгли суст кетади. Сўнг аёлдан сут-қатиқ неча пул

¹ Ўша китоб, 13-бет.

² Ўша китоб, 24-бет.

³ Ўша китоб, 33-бет.

бўлишини сўрайди ва «Хаммасини сотиб оламан. Бўпти, сут-қатиғингиз ҳам ёнингизга қолади» дейди.

қатикфуруш қувгина аёл экан. У сут-қатиғининг пулини олгач, Маликнинг хужрасидаги «бор-йўқ идиш-товоқдан тортиб, турли ичимликлардан бўшаган елим «баклашка» ларгача сут-қатикқа» тўлдиради. Сўнг «Яхши қолинг. Тагин сут-қатик тусаб қолсангиз, бемалол, хизматга тайёرمىз» деб хиринглаганча хужрани тарк этади.

«Малик тобора узоқлашиб бораётган қадам товушларини, бир-бирига урилаётган бўм-бўш идишларнинг тақир-тукурини хийла вақт эшитиб турди. Сўнг сут-қатикқа лиммо-лим идиш-товоқларга термилди. Бир кўнгли ҳамма-хаммасини деразадан пастга тўкиб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ пулига ичи ачидими, ё, кўпирибгина турган оппоқ сут, оппоқ аёл баданини эслатдими, ишқилиб, ботинмади. Ботинмагани яхши бўлган экан уч-тўрт кун бошқа егуликка чиқимдор бўлмай, сут-қатикқа бўкди. Шунчалар бўкдики, шу-шу кўча-кўйда сут-қатикқа кўзи тушса, кўнгли айнийдиган бўлди. Қатикфуруш аёллардан-ку филга йўлиққандай хуркиб қочишни одат қилди».¹

қиссада тасвирланган Маликнинг маъанвий олами реал муҳит фонидаги воқеа-ҳодисалар таъсирида улғаяди. У одамларни ташқи кўринишида қандай кўрса, шундай қабул қилади. Одамларнинг ҳар бир ҳаракатини, айтган сўзларини самимийлик билан қабул қилади. Уларга тубанликни, нокамтарликни Малик кейин тушуниб этади. Ўқиган, тушунган, меҳр қўйган кишиларнинг киёфасини, асл башарасини воқеа-ҳодисалар давомида англаб этади.

«Қидирувдаги қиз» қиссасининг муҳим хусусиятларидан бири бой ва ранг-баранг воқеалар оқимидан энг асосий ҳолатларни танлаб олишдир. Ўша воқеалар асосида қахрамон руҳиятини, характер хусусиятини очиб бериш лозим. Лукмон Бўрихон яратган қахрамонлар характерида ҳам миллийлик даражаси ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. У маълум бир макон ва замонда яшаётган қахрамонларини мафкуравий занжирлардан озод бўлиб, умумбашарий мезонлар сари юз тутиш жараёнини таҳлил этишга диққатини қаратади.

Малик дўстим Нусратбекка чин дилдан ишонади. Уни ҳурмат қилади. Ҳа, «Улар бир пайтлар жуда яқин, сирдош дўст эди. Бир майизни тенг бўлиб ейишмаган бўлса-да, ҳар нечук талабаликнинг тотли ва тахир дамларини бирга баҳам кўришган. Ўша кезлар кўпчилик уларни бир маҳаллада туғилиб-ўсган қариндошлар деб, ўйлашарди. Аслида Нусратбек шаҳри азимнинг Оқтепа маҳалласидан, Малик эса Сирдарё бўйидаги Қоратепа қишлоғидан эди».²

Хуллас, уларнинг дўстлигига ҳамманинг ҳаваси келади. Улар бир-бирлари билан борди-келди қилишади. Ёзувчи улар ўртасидаги дўстликни тасвирлаш орқали халқимизнинг дўстлашиш удумини кўрсатиб беради. Асар руҳига «Балиқ сувсиз яшамас, Инсон-дўстсиз», «Ақли кўпни дов олмас, Дўсти кўпни ёв олмас», «Давлатинг-дўстинг», «Дўст билан сирдош бўл, Ишига доим қўлдош бўл», «Дўст бўлсанг, дўстингни айбини тузат», «Дўст дўстни кулфатда синар», «Дўст-дўстнинг ойнаси», «Дўстинг-бойлигинг», «Дўстинг учун заҳар ют» каби халқ мақоллари чуқур сингдириб юборилган.

қиссада муаллиф ровийлик вазифасини бажариб, тавсиф, диалогни қоришиқ ҳолда ишлатади. Ёзувчи қахрамонлар характеридаги драматизмни тасвирлар ва диалоглар воситасида ифодалаб, бадиий манзаралар яратади. Буларда ҳаётийлик, маъно кўламининг кенглиги намоён бўлади. Конкрет ҳаётий вазият қахрамоннинг руҳий ҳолати, характер хусусиятлари кенгрок ифода этилади.

«Шаҳар марказидаги хиёбон ҳамиша гавжум. У ён-бу ён ўтиб қайтаётган одамлар оқими бир зум ҳам тинмайди, ёшлар-кексалар, аёллар-эркаклар, биров қайларгадир

¹ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ Т. 2007, 133-бет.

² Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т, 2007, 137-бет.

шошилади, биров бепарво, шунчаки томошаталаб, писта чакиб, тамаки тутатиб ивирсийди.

Малик анча енгил тортди. Кенг, сершовқин кўчалар, иссиқ-совуқ чехралар овутдими, харқалай, халигина тор, хувиллаган хужрасида сиқувга олган маъюс-махзун кайфият тарқалиб кетди. У фотоаппаратини чоғлаб, ҳамиша иш жойи-ҳиёбон ёнида тураркан, ҳамишаги қувноқ сўзамол сураткашга айланди-қолди.

-Кеп қолинг,суратга тушиб қолинг. Ҳуснингизга ҳусн қўшилишини истасангиз, марҳамат, кеп қолинг. Бизнинг фотоаппарат сизни ўн ёшга яшартириб юборади».¹

Маликнинг сўзлари худди халқимизнинг қадимда жар солиб бирон хабар ҳақида маълумот беришга ҳам ўхшаб кетади.

Шу ўринда яна бир характерли мисолни келтириб ўтмоқчимиз.

«-Кеп қолинг, лаҳзаларни мангуликка муҳрланг.

Сўзларга тўн кийдириб гапиришга, гоҳо Маликнинг ўзи ҳам қойил қолар эди. Бу хислати ҳар нечук, отасидан юққан бўлса керак.

Отаси-тақа мўйлови остидан кулги аримайдиган, ҳангомаю латифалари билан давраларга жон киргизадиган одам. Қувноқлиги боисми, ёши етмишни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали тетик, дўпписини дол қўйиб, жундор тўшларини яланғочлаб юради. Онаси Маликни уйлантириш ҳақида бот-бот куйиниб гап бошласа, отаси ўзича бепарво, эснаб қўяди. «Шошма-чи, кампир, ана, уч ўғилни эрта уйлантириб нима топдинг кунора гавғо жанжал»

Бироқ отаси овлоқ-овлоқда Маликни гап билан чимчилаб-чимчилаб олади.

«Тўй қачон болам, бизлар беҳабар қолмайликда. Бирортасининг кўйнига қўл солиб кўрдингизми, ишқилиб».

Малик отасининг қочиримларига жўяли жавоб тополмай чайналади. Отаси эса баттар бурувга олади.

«Кўзингизга қаранг, болам, вақтида уйланмаган йигитни, кейин, эрга бериш керак бўлади».

Малик отасидан бир амаллаб қочиб қутилади»²

Онанинг ҳам, отанинг ҳам мақсади тезроқ ўғлини уйлаб, орзу-ҳавас кўриш. Шунинг учун отаси Маликни тез-тез «бурувга олиб», «гап билан чимчилаб-чимчилаб олади». Ушбу парчанинг ўзиёқ ўзбекона қаҳрамон руҳиятини, унинг дунёқарашини очиқ беришга, удумларимизни кўрсатишга хизмат қилган. Шу билан бирга Маликнинг ҳам, отасининг ҳам худди халқ оғзаки ижодидаги Афанди образига ўхшашлигини кўрамиз. Булар Лукмон Бўрихоннинг халқ оғзаки ижоди анъаналаридан маҳорат билан фойдаланганлиги эътиборга моликдир. Ёзувчи Малик ва унинг отаси образини ўзига хос бўёқларда жонли, табиий гавдалантиради. Лукмон Бўрихон ҳаётдаги ўзгаришларга ўз услубидан келиб чиқиб, миллийлик мезонлари асосида ёндашади, инсон умри, ҳаёти ва кураши мазмунини фалсафий жиҳатдан очишга ҳаракат қилади.

Миллий характернинг шарқона асосларини яратиш ёзувчи қиссаларида яққол кўзга ташланади. Лукмон Бўрихоннинг мақсади ҳаёт ҳақиқатини шунчаки қайд этиш эмас, балки ҳаётини воқеаларни бадииятга айлантириб тасвирлашдан иборат.

Малик суратчилик фаолиятида Ҳабиба исмли қиз билан танишиб қолади. Уни бир неча хил кўринишда суратга олади. Кўнгил экан, Маликнинг қалбида қизга нисбатан илиқлик уйғонади. «У қошлари кундуз, кўзлари юлдуз қизларни кўп кўрган. Неча-нечасини қучиб ўпиб, керак бўлса, тўшакка тортган. Бироқ ҳеч бири мана шу баҳорги чечакдеккина қизчалик юрагига титроқ солмаган, ҳеч бирини ўйлаганда, мана шу хуркан кабутармонанд қизчалик ичу ташини нурга тўлдиролмаган. Қизик, туйқус учраб қолган бу сулувнинг нимаси унга бунчалик ёқиб қолди экан. Ё севги деганлари шуми»³

¹ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ». Т.2007, 138-бет.

² Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т.2007, 140-бет.

³ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 145-бет.

Малик дўсти Нусратбекнинг «тўладан келган, бўшангтоб қиз» Ферузага уйлангани, унинг кўли узун амалдор отаси ёрдамида завод директорининг ўринбосарига айланганини, «дўстининг ишдан-ишга, амалдан-амалга читтакдек учиб-қўнишини кўриб-билиб турган Малик «Севги эмиш... Жа-а, ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўйган экан-ку, бу шаҳарлик тулки. Қизимас, отасига уйланган экан-да...»¹ деган фикрга келган Маликнинг ўзи севги домига тушиб қолади. Ҳабиба ҳақида ўйлай бошлайди.

Дўсти Нусратбекнинг иккинчи марта уйланаётган никоҳ тўйида Ҳабибани кўриб қувониб кетади. Базмда Малик Ҳабиба ва унинг дугоналари билан суҳбатлашиб ўтиради. қизни учрашувга таклиф қилади. Тўйни эртасига Малик қизни интизор бўлиб кутади. Лекин ундан дарак бўлмайди. Қизни соғинган, уни кутавериб чарчаган Малик нима қилишини билмай қолади. Минг хил ҳаёлга боради ва қиз берган телефон рақамига кўнғироқ қилади. Йигитнинг «Алло, бу...бу Ҳабибаларнинг уйими» деган сўроғига аёл киши жавоб беради. Нотаниш овоз эгасини танимаган йигит гўшакни қўяди ва бир ювиниб олиб, енгил тортиш ниятида душга тушади. Бир пайт Малик газета ўқиб ўтирганда эшик кўнғироғи жиринглайди. Бемаҳалда ким келган бўлиши мумкин деган ҳаёлда эшик очган йигит тўппонча ўқталган учта милиционерни кўриб, ҳайратланиб қолади. Улар Маликнинг хонасини тинтув қилишади. Улар Ҳабибанинг девордаги суратларини кўриб, унинг кимлигини сўрашади. Малик уни атиги икки марта учратганини айтади. Милиционерлар Маликдан бир соат олдин қаерга кўнғироқ қилганлигини сўрашади. Малик Ҳабибаларникига кўнғироқ қилганини айтади ва милиционерлардан «Тинчликми» деб сўрайди. Улар Ҳабибанинг ўтган тунда, Нусратбекнинг тўйи бўлган «Нур» ресторанида йўқолиб қолганини айтишади. Малик буни эшитиб ҳайратланади. Маликка уч-тўрт кун шаҳардан чиқмай туришини тайинлашади. Шундай қилиб, йигитнинг саргузаштлари бошланади. Дастлаб унинг хонасига кимдир ўғирликка киради ва дўсти Нусратбекнинг тўйида суратга олган плёнкалар йўқолганини сезиб қолади. Унинг хонасига яна ўша кунги уч нафар изкуварлар кириб келади. Уни ҳибсга олишмоқчи бўлганда Малик қочиб кетади. У ноилож дўсти Нусратбекдан ёрдам сўраш учун унинг ишхонасига Малик дўстининг кулранг пиджагидаги тугманинг йўқлигини кўриб кўнглига шубҳа оралайди. У Нусратбекнинг ёнидан чиққач, завод ошхонасида овқатланмоқчи бўлади ва Ҳабибанинг дугонаси Нурини кўриб қолади. У дугонаси Ҳабибанинг бошига тушган кулфатни айтиб беради. У билан жуда кўп нарсалар, жумладан, Нусратбекнинг катта қарзи борлигини ҳам билиб олади.

Малик дўсти Нусратбекнинг кўзойнак такқан тасвирчи билан йўлга отланганини кўриб, такси ёллаб уларнинг ортидан кузатиб боради. Дўсти чорбоққа кириб кетганини кўриб, дастлаб чорбоғнинг чор атрофини суратга олади. Сўнг ҳиндулардай чакқонлик билан дарахтма-дарахт осилиб чорбоғга яқинлашади. У ерда бўлаётган воқеаларни суратга олади. Сўнг кўрган-билганларини бир қоғозга ёзиб суратга олган плёнкасига қўшиб такси ҳайдовчисидан уларни шаҳар ички ишлар бошқармасига етказишини сўраб, ўзи кузатув жойида қолади.

Кўп ўтмай милиция ходимлари етиб келади. Бу вақт ичида Нусратнинг шериклари уни ўлдиришга чоғланадилар. Жон таслим қилаётган Нусратнинг бошида эса «Ҳабиба йиғлаб турарди»...²

Муаллиф асарнинг сўнгигача Ҳабиба ва Нусратбек ўртасидаги ишқий можаролар ҳақида хато ишора қилмайди. Малик билан Ҳабибанинг бахтли бўлишига ишонган китобхон эса ёзувчининг якуний хулосасини ўқиб ҳайратга тушади. Биз Нусратбек ва Ҳабиба қиёфасида иккиюзламачи ва хиёнаткор кимсаларни кўрамыз.

«Қидирувдаги қиз» қиссасидаги Нусратбек ва Ҳабиба каби тулкимижоз кимсалар ҳаётимизда тез-тез учраб туради. Уларнинг тақдири, фожиали қисмати бир хил.

¹ Ўша китоб, 145-бет.

² Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 186-бет.

Уларнинг аянчли қисматидаги воқеалар талқини орқали ёзувчи ҳар ким экканини ўриши, қилмишига яраша жазо олишини ишонарли қилиб тасвирлайди. Адиб шу йўл билан миллий характернинг кўплаб қирраларини чизади.

Нусратбек образи Малик образига қарама-қарши қўйилган. Нусратбек дастлаб Маликнинг дўсти сифатида намоён бўлади. У Малик атрофида гирдикапалак бўлиб, ўзини садоқатли дўст қилиб кўрсатишга уринади. Аслида Нусратбек ўта айёр шахс. Унинг ички дунёси жуда тор. У манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди. Шунинг учун у ҳатто уйланишда ҳам ҳисоб-китоб билан иш тутади. Келажагини ўйлаб айтарли гўзал бўлмаган, семиз, лекин катта амалдорнинг қизи бўлган қизга уйланади. Бироқ Нусратбек бу ғаразли мақсадини севги-муҳаббат билан ниқоблаб, қиз бечоранинг бошини айлантириб қўяди. Аммо китобхон унинг бундан нималарни кўзлаётганини дарҳол англаб олади. Нусратбек беорларча дўсти Маликка хиёнат қилади. Ўзининг қора қилмишларини сир тутади. У катта лавозим эгаси. Бироқ Нусратбек халқнинг, миллатнинг жонига аро кириш, оғирини енгил қилиш ўрнига ўз манфаатини устун қўяди. Шўро даврида бундай кимсаларнинг хатти-қҳаракати кўздан четда қолар, уларни қахрамон даражасига кўтариш мумкин эди. Лукмон Бўрихон ўз қиссасида миллат ҳуснига доғ бўлиб тушган бундай кимсаларнинг қиёфасини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Воқеалар қахрамонларнинг ўзаро суҳбатлари асосида табиий ривожланиб боради. Уларнинг характерлари ўз нутқлари орқали очилади. Ички руҳиятлари эса диалоглар ёрдамида яхши намоён бўлади.

«Ҳабиба қоқила-сурила чўзилиб ётган Нусратбек томон югурди.

-Ия, анови қиз-ку бу. Хонадан ким чиқарди уни-ўшқирди «Волга» эгаси шеригининг ёқасига чанг солиб.

-Мен билмайман,-дея хирқаради Бароққош уни силтаб ташлаб.-Қўйсанг-чи уни, кочдик.

-Ичкаридан пулларни опчик. Мен машинани ўнглай, тез бўл.

Улар ҳансирашганича дарвоза томон ошиқишди.

Ҳабиба Нусратбекнинг бошига энгашди.

-Нусратбек ака,-дея ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошлади у,-кўзингизни очинг, бу мен, Ҳабибангизман.

-Ҳабиба,-аранг сас берди Нусратбек, тўлғониб.-Жонгинам... мен учун шундай куйларга тушдинг-а... кечир...

-Йўқ. Йўқ-қиз Нусратбекнинг юзига юз босди. —Ўлманг азизим, кўзингизни очинг...

-Ҳаби...мехрибоним, хонангга бор... икковимизнинг сиримизни ҳеч ким...»¹

Бу кечинмалар Нусратбек билан Ҳабибанинг бир неча йиллик ишқий кечинмасидан далолат беради.

Ёзувчи яратган миллий характер ўзига хос жиҳатлари билан кўрина бошлайди. Масалан, Чоршанби чўпон ва Малик бир гапли, қайғиятли, сирини бой бермайдиган, хушомадан ёқтирмайдиган, тўғрисиўз ва ҳалол кишилардан. Улар сирасига «Хизр кўрган йигит» қиссасидаги Қоржов ва унинг отасини ҳам киритиш мумкин. Улар бировни алдашни билмайдиган, меҳнатсевар, кўнгли оқ одамлар. Улар ҳеч қачон бировга ёмонликни раво кўрмайдилар.

Бироқ Нусратбек ва унинг ҳамтовоқлари, Ҳабиба каби образлар жамиятимиз ҳуснига доғ бўлиб тушган нафс бандаларидир. Муаллиф қисса воқеа-ҳодисаларини ҳар жиҳатдан бадиий асослар экан, уларни тасвирлашда миллий характерларнинг ички дунёсидан, уларнинг ўзаро муносабатларидан фойдаланади.

Одатда бирон инсон ҳаётдан кўз юмганда, унга ачинишади. Лекин Нусратбекнинг ўлими китобхонда ачиниш уйғотмайди. Аксинча, китобхон унинг фожиали ўлими қилмишига яраша жазо эканлигидан қониқиш ҳосил қилади.

¹ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 188-бет.

«Қидирувдаги қиз» қиссасида дафн маросими билан боғлиқ бир лавҳа келтирилади. Маълумки, маросим инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келадиган табиий хатти-ҳаракат, безак (декорация) дир. Шу боисдан дунёда бирорта ҳам маросимсиз халқ йўқ. Бинобарин, у муайян халқнинг бошқа халқлардан фарқланиб туришиши таъминловчи муҳим этнографик белгилардан бири бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёт этапидаги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида тўла мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди. Шунинг учун ҳам муайян этник бирликка хос хусусиятларнинг этнографик мезони сифатида маросим ҳаммавақт тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бундай этнографик мезонлик даражасига маросим, аввало, ўзининг ижтимоий табиати, маиший, ахлоқий ва поэтик функциялари орқали эришганлиги ўз-ўзидан аён.

Бундай маросимларнинг жуда узоқ яшовчанлиги аввало барқарорлик даражаси, қолаверса, уларнинг таъсири маросим анъанасига қай даражада сингганлиги билан изоҳланади. Чунончи, рухлар ҳақидаги анимистик тасаввурларнинг пуч моҳиятга эга эканлиги ойдек равшан бўлса-да, учлик, етилик, йигирма, қирқ каби маросимлардаги барқарорлик энди ўзининг мазмуний босими билан эмас кучли анъанавийлиги билан яшаб келмоқда. Демак, инсон маросимсиз яшай олмайди, бинобарин, ҳар қандай маросим айрим шахслар хоҳишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий ҳодиса сифатида яшайверади. Шунинг учун ёзувчи Лукмон Бўрихон ўз қиссаларида маросимларнинг яшовчанлигига характерли мисоллар келтиради.

Инсон ҳаёти ибтидосидан интиҳосигача турли-туман маросимлар билан бурканган. Унинг ёши, маиший ҳаёти ва оилавий ҳолатида бирор-бир ўзгариш юз берса, ана шу ўзгаришлар бевосита муайян маросимлар воситасида расмийлаштирилган. Шунинг учун ҳам инсон ҳаёти рангқбаранг маросимларга бой.¹

Мотам инсон умрининг охирини нишонлаш мақсадида ҳаётини эҳтиёж туфайли ўтказиладиган мунгли маросимдир. Мотам маросимидаги расм-русум, табулар, урф-одатлар, уларнинг ўтказилиши тарзи, умуман, мазкур маросимнинг ўзбекларда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан оғир кечиши ҳақида махсус тўхталиш лозим бўлади. Бироқ ушбу ишимизда юқоридаги масалалар ҳақида батафсил тўхталишнинг имкони бўлмагани сабабли биз бевосита мотам маросими билан боғлиқ ёзувчи тасвирига тўхталиб ўтамиз, холос.

«Ўша кунлари ошиғи олчи Нусратбек кўкрак керган сайин хотини Ферузахон аллақандай хасталикдан қуриб борар эди. Ана шу дард ёшгина жувоннинг жонига зомин бўлди. Малик марҳумнинг маъракасида қатнашаркан, дўст бошига тушган айрилиқдан чинакам ғам-қайғу чекиб, ўкириб йиғлашни истади»² бу билан ёзувчи мотам маросимида ижро этиладиган йиғи ва йўқловларга ишора қилади.

Адиб Лукмон Бўрихон қиссасида эслатиб ўтганидек, мотам маросимида албатта йиғи ижро этилади. Йиғининг табиати унинг асосида ётувчи ҳаётини сабаблар билан белгиланади. Киши бирор аъзоси беҳад қаттиқ оғривса, чақалоқ очикса ёки бирор ери оғривса, аччиқ-аччиқ йиғлайди. Булар, ўз-ўзидан маълумки, биологик эҳтиёж туфайли юзага келадиган йиғилардир. Бу хилдаги йиғилардан кескин фарқланувчи йиғилар ҳам Борки, уларнинг юзага келишига руҳий эҳтиёж сабаб бўлади. Масалан, одам ўзининг энг қадрдон кишисидан жудо бўлганида унинг лаблари титраб, ичидан ўз-ўзидан аччиқ-аччиқ йиғи келади. Киши бу йиғининг беҳуда эканини, йиғи билан марҳумни қайта тириштириб бўлмаслигини билса ҳам йиғлайверади. Зотан, жудолик алами, ғурбат ва ғам йиғиси табиатнинг одамдан бошқа жонзотларига хос бўлмаган муҳим инсонийлик

¹ Б.Саримсоқов. Маросим фольклори. Ўзбек фольклори очерклари. 1 том., Фан нашриёти, Т. 1988, 208-бет.

² Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 146-бет.

белгиси ҳамдир. Бу йиғи йиғловчининг маънавий оламини, унинг марҳумга юксак ҳурмати, руҳий пайвандлигини намойиш этади. оғир жудоликни туйиш, ундан даҳшатга тушиш ва дарддон бўлиш оқибатида вужудга келувчи йиғида воқеликни оддий инъикос этиш, балки унга эстетик муносабат билдириш, яъни уни эстетик ва этик жиҳатдан баҳолаш туйғуси ҳам мавжуд. Кучли ҳаяжон, ачиниш ва қайғуриш эса мотам йиғилариди ҳис этиш функцияси устун эканлигини тасдиқлайди.

Ёзувчининг мотам билан боғлиқ лавҳани беришдан яна бир мақсади китобхонга унутилиб бораётган йиғилар ҳақида ҳам маълумот беришдир. Шу ўринда биз дардли туйғулар билан битилган йиғи матнларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Кийган тўни ялангқат, вой отам,
Жон сақлади омонат, вой отам,
Омонат жонинг бор экан, вой отам,
Кимга бердинг омонат, вой отам.

Мозор йўли андадур, вой отам,
Тупроқлари майдадур, вой отам,
Ширин-шакар онамни, вой отам,
Энди кўрмоқ қайдадур, вой отам.

Қора рўмол қўлимда, вой отам,
Қараб қолдим йўлингга, вой отам.
Сариқ рўмол қўлимда, вой отам,
Сарғайиб қолдим йўлингга, вой отам.

Бундай йиғиларда халқимизнинг миаиший, маънавий ҳаёти, инсон умрининг фалсафий моҳияти, ўлимнинг шафқатсизлигидан нолиш каби мотивлар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Адибнинг мақсади эса китобхонни халқимизнинг мотам маросими билан боғлиқ удумлари ва мотам маросимида айтиладиган йиғилар билан яна бир бор таништириб ўтишдан иборат. Ҳақиқатан ҳам китобхон ўзи ўқиган асарда келтирилган мотам маросими, тўйми, қизлар базмими, умуман, ўзбек халқига мос бўлган маросим ҳақида маълумот олар экан, ўзининг шу пайтгача маросим ёки урф-одатлар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитади. Унда урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром уйғонади.

Луқмон Бўрихон «Сирли муаллим» қиссаси драматик лаҳзаларга бой, кутилмаган вазиятларни кўрсатиш орқали милилӣ характер яратишга доир ўзига хос йўллар излайди. Ёзувчи турли имо-ишоралар, турли ҳаётий тўқнашувлар орқали маълум бир одамларнинг қиёфаси, маънавият ҳақида муайян тасаввур уйғота олади.

Ёзувчи қиссасида муаллим Нажот Ғайбулла тимсолини самимият билан тасвирлайди. Воқеалар Нажот Ғайбулла домла номига очилган «Дело» деган тушунтириш хатлари орқали ҳикоя қилинади. Луқмон Бўрихон қиссада дастлаб ровий журналист йигитнинг ҳикояси орқали Нажо Ғайбулла ҳақида маълумот беради. Ранг-баранг тушунтириш хатлари орқали Нажот Ғайбулла ҳақида маълумот оламиз, унинг образидаги ўзига хос хусусиятлари билан танишамиз.

Мактаб биректори Қ.Қалқонов тушунтириш хатида ёзишча, унинг суяги мактабда қотган. «Йигирма ёшидан бери муаллимлик» қилади, болаларнинг қий-чувини эшитиб турмаса боши оғрийдиган бўлиб қолган. У ўзи раҳбарлик қилаётган мактабдан етишиб чиққан кадрлар билан фахрланиб, шундай деб ёзади.

«Мен шундай азамат кадрлар бизнинг мактабдан етишиб чиққанини мамнуният билан қайд этишим мумкин. Масалан, Қоржов полвон. Ҳозир у Қоржов Чоршанбиевич бўлиб кетган. Пойтахтда яшайди. Баъзи бировлар полвон шаҳарлик хотинининг орқасидан кўтарилиб кетди, деган сассиқ гап тарқатиб юришибди. Лекин бу ғирт ёлғон. Қоржовжон ўзи омадил йигит, Хизр кўрганлардан. Яна бир фахрли шогирдимиз-Дўланов Самад. У ҳам зўр бир илмий текшириш институтида ишлайди ҳозир.

Қолаверса, Ватан учун ҳалок бўлган Умрзоков ўроқ ҳам бизнинг мактабда таълим олган. У ҳақда Улаш агроном шоир дoston битишга чоғланиб, баъзи бир сабабларга кўра режалари эди. Улашбойни танисангиз керак-а. кўзингиз тушгандир хумкалла, тиканак соч, япаски бурун, қоп-қора киши. Хув, аробий биродарларни эслатиб юборади. У киши совхозимизнинг кичик агрономи, лекин катта шоири. Мен ҳазиллашиб «чўллик Пушкин» деб атайман. Ҳозирги кунда бу ижодкор Қоржов Чоршанбиевич ҳаётидан бир эпик асар ёзиш тараддудида. Хуллас, ҳаёт фаолияти минг бир дoston бўладиган шогирдларимиз талайгина».¹

Мана шу таърифнинг ўзиёқ мактаб директори Қалқоновнинг бошқаларни ўзига қалқон қилиб олган инсон эканлигини кўрсатиб турибди.

Нажот Ғайбулла мана шу Қалқонов директор бўлиб ишлаётган мактабга география ўқитувчиси бўлиб ишга киради. Дастлаб Нажот Ғайбулланинг тўрим уст-боши, келишган қадди-басти, ирода ва виқор ёғилиб турган юз-кўзи директорда шубҳа уйғотади. Лекин унинг уйланганлиги, рисоладагидек ҳужжатларини кўрган директор уни ишга қабул қилади.

Нажот Ғайбулла мактабга ясаниб келади. Ҳамма-каттаю кичик билан самимий муносабатда бўлади. У болалар учун етишмаган дарсликларни қаердандир ундириб келади. Дарсликлар ўқувчиларга тарқатилгач «сабоқлардан бўшанқилигига китоб йўқлигини баҳона қилиб юрган болаларнинг пешоналари тиришиб кетди».

Кўп ўтмай Нажот Ғайбулла «баҳайбат телевизор, алламбало видео ашқол-дашқоллар келтир» ади. Уни худди музей каби жиҳозлаган география кабинетика ўрнатади. «Деворларда турли –туман харитаю кўргазмали плакатлар. Стол устида селитрага бўккан улкан тарвуздай глобус. Ҳар бир партада иккитадан семиз, рангли китоб. Китобни варақласангиз дунёнинг бу чекксидан кириб, нариги тарафидан чиқасиз. Хонанинг у ер-бу ерига улкан кема ва самолёт макети қўйилганки, гўё шу транспортларда саёхатга чоғлангандек ҳис қиласиз ўзингизни».²

Бир кун иса Нажот Ғайбулла ҳаммани ҳайратга солиб телеаппаратуралар келтиради. Хуллас, у тиниб-тинчимайди. Дарсларини ноанъанавий усулда ўтади. Ўз устида кунт билан ишлайди. Унинг дарсларини кузатган мактаб раҳбарлари-ю ҳамкасблари ҳайратланади. Нажот Ғайбулланинг география кабинети туманидагина эмас, вилоятда ҳам шов-шув бўлиб кетади.

Бироқ Нажот Ғайбулланинг янгича дарс бериш усули кимларгадир ёзмайди. Уни ҳисобот ёзолмасликда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини билмасликда айблашиб, ундан қусур кидиришади. Уни бегона деб мактабдан четлатишади. Аслида Нажот Ғайбулла янгиликка ўч болаларга замон талаблари ва ноанъанавий усулларда дарс беришга интилувчан муаллим. Ахир бизлар дунёга танилган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Бурхониддин Марғиновий, Маҳдуми Аъзам Косоний каби кўплаб нафақат бизнинг миллий маданиятимиз, балки бутун жаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг авлодлари эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Луқмон Бўрихон Нажо Ғайбулла образига Қалқонов, мактаб илмий бўлим мудири Норхол Хушбоқова, мактаб директорининг ўринбосари Б.Б.Боймуродов, домла Х.Х.Хуррамавич, бошланғич синф ўқитувчиси Эшболта акаларни қарама-қарши қўяди.

Ҳамма Нажот Ғайбуллага бир жинойатчи сифатида қараётган, уни кидиришаётган пайтда журналист йигит, яъни ровий қиссага қуйидагича хулоса ясайди.

¹ Луқмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ». Т. 2007, 81-бет.

² Луқмон. Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т.2007, 96-бет.

«Нажот Ғайбулла қайтади,-деб ўйлардим нафасимни иссиқроқ қилиб.-Хужжатларини тўғрилаб, албатта қайтади. Ахир, у болаларсиз, болалар шундай муаллимсиз яшай олмайди!».¹

Кўрамизки, ёзувчи Лукмон Бўрихон қиссаларида миллий характер табиатини ўзига хос бадиий усуллар, воситалар билан амалга оширади. Ёзувчи Шарқ ва Ғарб адабиётининг ўзига хос энг яхши анъаналарини қоришиқ ҳолда бериш орқали бадиий фикр юритади. Миллатга хос иймон, эътиқод, ҳалоллик, поклик каби тушунчаларни миллий характерга хос нурли, такрорланмас бўёқлар, ҳаётий воқеа-ҳодисалао заминиди очиб беролгани ёзувчининг катта ютуғидир.

Биз юқорида тилга олган қиссаларда Лукмон Бўрихоннинг ўзига хос услуб топганлигининг шоҳиди бўлди. Маълумки, бадиий адабиётда ҳаёт гўзалликлари, инсоннинг ижтимоий фаолияти ва маънавий олами маълум эстетик категориялар орқали ўз ифодасини топади. Хўш, эстетик категория масаласи Лукмон Бўрихон ижодида қандай акс эттирилган. Тадқиқотимизнинг кейинги қисмида ана шулар ҳақида фикр юритамиз.

2 Эртакона сюжетга йўғирилган халқона руҳият

Халқ эртаклари ўз қаҳрамонларини яратади. Халқ ижодида киши образи, типлар мукамал, бадиий чуқур ишланган, кишининг кўзи олдига яққол келиб турадиган жонли образлардир. Эртакларимизнинг қаҳрамон типларининг қабариб турганлиги, образли гавдаланиши, кишининг кўз олдига йўқолмас бир суратда чизилганлиги унинг реаллигидадир. Тўлғаной, Маликаи Хуснабод, Камбағал қиз, Озодчеҳра ёки Хуршидой образлари дадил, ботир, уддабуро аёлларнинг характерлари берилади.

«Қирқ ёлғон», «Авом полчи», «Афлотун ва Арасту», «Эгри ва Тўғри», «Гулиқаҳқаҳ», «Элзод билан Гулхумор», «Танасиз каллаю калласиз тана», «Сехрли олма»... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Эртаklar ранг-баранг сюжет асосига қурилган бўлади.

Ёзувчи Лукмон Бўрихон ўз қиссаларини эртакона сюжет асосига куради. Шундаки, адиб қиссаларидаги образлар ҳам худди эртаklarдан чиқиб келган қаҳрамонларга ўхшайди. Масалан, «Қидирувдаги қиз» қиссасидаги Маликнинг отасини олиб кўрайлик. У бизга «Афанди » эртагидаги Афанди образини эслатади. «Хизр кўрган йигит» қиссаси ҳам эртакона сюжет асосига қурилган. Эртаklar «Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир чўпон бўлган экан», «Сизга боғ бўлсин, бизга ҳаёт. Замонларнинг замонида, қадим- айёмида бир подшоҳ золим бор экан», деб бошланса, Лукмон Бўрихон қиссалари ҳам ана шундай эртакнамо бошланади. Масалан, «Хизр кўрган йигит» қиссасини олиб кўрайлик. Ёзувчи асар сюжетини тўқиб чиқармайди, балки ҳаётда қандай бўлса шундайлигича тасвирлашга, ўз услуби бўйича китобхонга етказиб беришга ҳаракат қилади.

«Хизр кўрган йигит» қиссаси «Кечагина эшагига қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а!» Наҳотки Хизр кўрганим чин!»² деган сўзлар билан бошланади. Албатта бу юриш сўзини ўқиган китобхонда асар қаҳрамони оддий қишлоқи йигит қандай қилиб ажабтовур машинага эга бўлиб қолганини билиш истаги туғилади.

қиссада инсон ҳаётининг энг шиддатли воқеалари, чигал тақдирлар, фожиали кечмишлар таъсирчан ифодасини топган. Қиссачиликда янги қаҳрамон образини

¹ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 130-бет.

² Лукмон Бўрихон . Хизр кўрган йигит. «Шарқ», Т. 2007, 4-бет.

яратиш кўп жиҳатдан бадиият-тил, услуб, сюжет, композиция, конфликт ва бошқа шу каби воситалар борасидаги изланишларни ҳам тақозо қилган. Қиссада қаҳрамонлар образини бадиий воситаларнинг янгича кўринишлари билан бериш тамойилини Лукмон Бўрихон ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёзувчининг қиссаларида шу тамойил ўз ифодасини топган. Лукмон Бўрихон қиссаларидаги сюжет ўзақларининг ўзаро яқинлиги бир қарашда ёзувчининг фақат бир хил қаҳрамонлар тақдирини тасвирлаганлиги ҳамда бир хил мазмундаги воқеаларни қаламга олганлиги сабабли, деб вйлашга ундайди. Зеро, Лукмон Бўрихон қиссаларида тасвирланган қаҳрамонлар бир мавзу атрофида ҳаракат қилсалар-да, уларнинг жамиятга, теварак-атрофдаги одамларга бўлган муносабатларида, ўй-кечинмаларида, маънавий дунёсида бир-бирини такрорламаслик даражасидаги ранг-баранглик мавжуддир. Бу ёзувчининг бадиий ижода поэтик сўзни чуқур ҳис қилиш имконини кўрсатади.

Ёзувчи «Хизр кўрган йигит» қиссасида ёшликда бирга ўсган икки дўст-Қоржов ва Хусаннинг бирини шаҳарга бориб ўз бахтини топиб кетгани, иккинчисини қишлоқда қолиб тузукроқ бир ишнинг бошини тутолмаганини тасвирлайди. «Қидирувдаги қиз» қиссасида худди шундай дўстларни бирини сурагчи, иккинчисини амалдор тимсолида кўрамиз. Ҳар иккала қисса қаҳрамонларидан бири бойликни ва яхши яшашни бахт деб тушунса, иккинчиси оддий яшаш тарзи бўлса-да, маънавий бойликни бахт деб англайди.

«Қидирувдаги қиз» қиссасидаги Малик ва Нуратбеклар ўртасидаги дўстликни олиб кўрайлик. Инсон маънавий бойликка эга бўлиши мумкин, лекин унинг кадр-қимматини ўрнига қўйиш ҳам ҳар қандай бойликдан устун туради. Демак, ёзувчи қаҳрамонларнинг миллий расм-русумини қандай тушунганларини кўрсатиш орқали қандай тушунганларини кўрсатиш орқали миллий характерга хос жиҳатларнинг ёрқин ва хира тортган томонлари, айрим маънавий иллатларни юзага келтирганига китобхон эътиборини тортмоқда. Дўстлик ва муҳаббат туйғулари воситасида қаҳрамонларнинг маънавий дунёсини таҳлил қилиш Лукмон Бўрихон қиссасининг асосини ташкил этади. «Қидирувдаги қиз» ҳикояси ёзувчининг шаклий-услубий изланишлари натижасида юзага келган. Қиссада тасвир бадиий қаҳрамонларнинг ўз ҳаётини ёзувчига айтиб бериши воситасида амалга оширилади. Ёшларнинг маънавий дунёсини таҳлил қилиш Лукмон Бўрихон томонидан тасвирланган воқеалар давомида янада кенгроқ намоён бўлади.

Лукмон Бўрихон қиссаларида қаҳрамонларнинг Ватанга, эл-юртга бўлган муносабатлари ҳам ўз ифодасини топган. Асар қаҳрамонлари турли касб-корли, турли маслакдаги кишилар бўлишса-да, уларнинг қисмати Ватан тақдирини билан чамбарчас боғланганлиги кўрсатилади. Уларнинг бири иккинчисига ўхшамайди, салбий ёки ижобий фазиалатлари билан фарқ қиладилар, ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қиладилар, табиийки маънавий оламлари ҳам турлича кишилардир. Аммо улар ҳаракат қиладиган макон битта-Ватан.

«Хизр кўрган йигит» қиссасидаги Қоржовнинг ёшлиги тоғли қишлоқда ўтган. У болалигидан чўпонлар орасида улғайган. Отаси Чоршанби чўпон билан бирга меҳнат қилиб суяги қотган. У полвон сифатида ҳам кўпчиликка танилган. Бир неча полвонлар билан беллашиб, уларнинг курагини ерга теккизган. Қоржов тўғрисида, айёрликни билмайди. Ҳақиқатгўй. Лаганбардорлик, хушомадгўйлик, очкўзлик, манманлик каби иллатлардан нафратланади. Бир қарашда у халқ дostonларидаги қаҳрамонларга ҳам ўхшаб кетади. У доима бировларга яхшилик қилади. Бу хислатлар унинг ўзбекона фазиалатларининг ёрқин намоён бўлишидир.

Маржона эса бой-бадавлат хонадонди ўсган эрка қизалоқ. У ўқишдан ташқари пайтларини ўйин-кулги билан ўтказди. Маржонанинг дўстлари Баҳодир, Гулюз, Жаҳонгир, Сайёралар ўйин-кулгидан, маишатдан бошқа нарсани билмайдиган ёшлар. Улардан эл-юртга ҳеч қандай наф чикмаслиги тайин.

«Қидирувдаги қиз» қиссасининг қаҳрамони Малик ҳам меҳнатсевар. У бахтини сураткашликдан топмоқчи бўлади. Ҳалол меҳнат билан кун кечирази. Инсонлар ҳаётидаги энг гўзал лаҳзаларни тасмаларга муҳрлаш унинг эзгу нияти. У ҳеч қачон ўзгаларга ёмонликни раво кўрмайди. У ҳатто дўсти Нуратбекни кўнгилдагидай кадрлайолмаётганидан ҳижолатда. Малик дўсти Нусратбекнинг оғир дамларида унинг ёнида бўлиб, дардига дардкаш бўлади. Тўйида астойдил меҳнат қилади. Нусратбекнинг ичидаги қора ниятларидан беҳабар бўлгани учун уни иккинчи бор уйланаётганидан хафа, биринчи турмуш ўртоғи Ферузани севаркан деб унга ачинади.

Нусратбек аксинча, тоғни талқон қилса арзигудек навқирон ёшидаёқ нафс бандасига айланиб бўлган. У Ватан равнақи йўлида хизмат қилишдан бутунлай йироқ кимса. У шоли орасидаги курмакдек текинхўрларча ҳаёт кечирази. Унинг виждони ҳам жиғилдонга айланиб кетган. Шунинг учун ҳам меҳнат қилиш ўрнига халқ мулкига хиёнат қилади. Ўзининг бир тўда ҳамтовоқлари билан эл-юрт мулкига кўз олайтиради. Ноқонуний йўллар билан келтирган маҳсулотларни сотиб бойлик орттириш пайига тушади. Бироқ Нусратбек халқимизнинг «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», «Қилмиш қидирмиш», «Текин томоқ тешиб чиқади», деган нақллари унутиб қўйган эди. Нусратбек қилмишига яраша жазо олади, яъни ўз ҳамтовоқлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Ёзувчи бу билан маънавий қиёфаси тубан шахснинг бойлик илинжида қилган қинғир ишлари уни чоҳ сари элтганини таъкидламоқчи бўлади.

Малик эса яхши фазилатлари туфайли худди халқ эртақларидек барча муаммоларни ҳал қилади. Буни унинг ҳатто ички ишлар ходимлари очолмаган жиноятни очиб, ёмонларнинг жазосини беришдай эзгу ишга кўмаклашганлигидан ҳам билишимиз мумкин.

Қисса қаҳрамонлари муносабатида дағаллик, кўполлик, гапни чўрт кесиб айтиш, топқирлик, зукколик, кесатиш, киноя, коса тагида нимкоса қабилида сўз айтиш каби ҳолатлар кучли. Бу бир қараганда ўқувчига эриш туюлиши, ҳатто қисса қаҳрамонларини оддий сўзлашув маданиятидан йироқ кишилар деб ўйлашга сабаб бўлиши мумкин. Аслида, ёзувчи муҳитни, шу муҳитда ўсиб вояга етган кишиларни табиий, жонли, самимий тасвирлаш орқали тоғликларнинг сертакаллуфликни, мулозаматни ёқтирмасликларини, улар гапнинг пўсткалласини айтишга ўрганганликларини ҳатто ҳайратомуз ҳазилларни ҳам кўтаришларини ишонарли қилиб тасвирлаб берган.

«Хизр кўрган йигит» қиссасининг қаҳрамони Қоржов ўзининг полвонлик борасидаги фикрларини куйидагича изоҳлайди.

«Мен курашга кўнгил берган эдим. Аввалига у-бу томошаларда хашаки полвонлар билан беллашиб кўрдим. Қарасам, оппа-осон ғолиб бўляпман. Сўнг сал давра исини олганларнинг белбоғидан тутдим. Улар ҳам полвонлик сиёғимга тан бериб, мағлубларча майдонни тарк эта бошлашди. Кейинчалик уч-тўрт номдор курашчиларнинг курагини ер искатдим-у, эл-улус мени олқишлай берди».¹ Қоржовнинг нутқидаги «хашаки», «давра иси», «сиёғи», «ер искатдим» деган сўзлари ҳақиқий халқона ва халқ тилидан олинган сўз ва иборалардир.

Тоштемир аканинг Бекқул Тўрақулович ҳақидаги таърифига қаратайлик.

«Бекқул Тўрақулович буюк олим. Қонунчилик илмини сувдай симирган. Қонунчилик бўйича бир...уч юзталар китоб ёзган-ов, университетда маърузалар қилади. Ҳозирги амалдаги қонун-қоидаларимизда Бекқул Тўрақуловичнинг ҳиссаси жуда катта. Ишонмасанг, ана, қонунчилик бўйича ёзилган китобларни очиб қара, жиноят кодекси дейсанми, маъмурий кодекс дейсанми, ҳаммасида устознинг исм-шарифлари бор. Бирида муаллиф, бирида таҳрирчи...»² Тоштемир аканинг «уч юзталар» деган сўзиёқ

¹ Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ» Т, 2007, 7-бет.

² Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. «Шарқ» Т. 2007, 19-бет.

китобхонда кулги уйғотади. Чунки «уч юзта» сўзини «уч юзталар» дейиш фақат асар қахрамони Тоштемир ака тоифасидаги қахрамонларга хос.

Беккул Тўракуловичнинг рафиқаси Илмира янга Қоржов томонидан шундай таърифланади.

«Шу орада уйнинг мармар зинапояларида ранг-рўйи мармардек совуқ бир аёл кўриниш берди. Пешонасини сириб танғилган гулдор мато устида уюлган сарғиштоб сочи похол ғарамига ўхшайди. Юз-кўзига суркалган бўёкнинг қуюқлигидан асл кўзу аслаб-даҳанни илғаш анчагина қийин. Устида семиз, биққи қоматини сириб турган енгсиз, торхолат.»¹ Унинг салом бериши ҳам оҳанжамоли. «Ассалў-ўм».

«Бир танишлари тоққа приглашать этган»², «Эҳ, сиз-молодёжь... қўл ушлашиб кинога киришни, сайр этишни любовь деб ўйлайсиз».³

Роза анийнинг ушбу сўзлари унинг татар миллатига хос характер эгаси эканлигидан далолат бериб турибди. Лекин у Ўзбекистонда, ўзбеклар орасида яшаганлиги учун унинг ўзбек халқига ва ўзбекона урф-одатларига ҳурмати зўр. Халқимизнинг урф-одатларини қадрлайди, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга одатланган.

Луқмон Бўрихоннинг «Сирли муаллим» қиссида қизиққон, айти пайтда, кечиримли кишиларнинг образи яратилган. Буни биз қатор қахрамонлар тасвирларида кўрамыз. Қисса қахрамонлари оловдек ёниб, бир зумда ўчадилар. Уларнинг айрим гаплари бир-бирига ҳақорат бўлиб туюлса, кўп ўтмай буни унутиб, бир-бирлари билан ўзаро тил топишадилар. Бундай тасвирлар адибнинг ўз воҳасидаги одамларнинг нозик инсоний туйғуларини, ўзларига хос фазилатларини чуқур ардоқ ва самимийлик билан тасвирлашга мойиллигини англатади.

Миллийлик ва умуминсонийлик бадий адабиётнинг энг муҳим талабларидан ҳисобланади. Жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари ана шу икки ҳодисани умумлаштириш, муштарак ҳолатда тасвирлай олиш хусусияти билан қадр топган.

Ана шундай адабий ҳодисалардан бири табиат ва инсон тасвирининг бадий адабиётдаги миллий, айти пайтда, умуминсоний моҳиятини ифодалайди.

Табиатни, инсонни асраб-авайлашга даъват руҳида яратилган бадий асарлардаги қахрамонлар қайси миллатга мансуб бўлмасин, уларнинг ички кечинмалари ва орзу-интилишларида умуминсоний туйғулар ўз ифодасини топиши табиий. Шу жиҳатдан қараганда «Сирли муаллим» қиссидаги география ўқитувчиси Нажот Ғайбулланинг миллий, айти пайтда, умуминсоний қиёфалари билан китобхон диққатини ўзига тортади. Бу образ билан танишар эканмиз, унинг шўро мафкураси давридаги қотиб қолган, тўтиқушдай бир хил гапларни такрорлаб, фақат дарслик атрофида ўралашиб қолган ўқитувчилардан бутунлай фарқ қилганки, унинг миллат тақдири, миллат келажаги ҳақида қайғуришини кўрамыз.

Бир қарашда Нажот Ғайбулла ўқувчи кўз ўнгида фирибгар шахс сифатида гавдаланади. Лекин қиссани ўқиш жараёнида эса унинг эзгулик йўлидаги ишларини, ўқувчиларни жаҳон андозалари талаблари даражада билим олиши учун астойдил ҳаракат қилишини кўриб, атрофидагиларни унинг тушунмасликларидан Нажот Ғайбулла домланинг тақдирига ачинади, қиссани ўқиб бўлгач, беихтиёр унга ҳурмат уйғонади. Китобхонда «Қани энди Нажо Ғайбулла каби домлалар бир эмас, минглаб бўлса эди» деган истак туғилади.

Нима учун. Чунки мактабларда ўқитишнинг замондан орқада қолаётганлиги миллатнинг фожиясидир. Боиси 70 йилдан зиёд вақт мобайнида ўзбек халқидан ўзлигини, ўзбеклигини, тилини, динини тортиб олдилар. Унинг тарихини сохталаштирдилар. Миллий маданиятини камситиб, қадриятини топтадилар. Нажот Ғайбулла каби илғор фикрли кишилар эрки топталган, ҳақ-ҳуқуқини қўлдан бой берган

¹ Ўша китоб, 25-бет.

² Ўша китоб, 31-бет.

³ Ўша китоб, 67-бет.

юртки озод ва обод ҳолда кўришни, бунинг учун унинг фарзандлари юксак даражада билимли бўлишини истайди. Шунинг учун Нажот Ғайбулла минг бир тўсиқлар маҳаллийчилик каби ўнлаб тўсиқларни енгиб, мактабга тақчил дарсликлару, камёб техника воситаларини олиб келади. Ўқувчиларга чуқур билим беришнинг янги-янги йўллари излайди. Шунинг учун у мактабга байрамлардагидек чиройли кийиниб келади, ҳамкасблари ва ўқувчиларини ҳам яхши кийинишга, ораста бўлишга даъват этади. Улар билан самимий мулоқатда бўлади. Биз Нажот Ғайбулланинг хушмуомалалиги ва самимийлигида шарқона урф-одатларимизни кўрамыз. Ахир Шарқ қадимдан маърифат ва маънавият бешиги бўлиб, келганлиги маълум-ку!

Қиссадаги воқеалар Нажот Ғайбулланинг ўз тақдирини Ватан ва эл тақдири билан боғлаши, Ватан, миллат равнақи йўлида ҳатто ўлимга ҳам тайёр эканлигининг бадий ифодасидир.

Қаҳрамон кечинмалари орқали берилган миллий туйғу, ғоя ва фикрларни умуминсоний даражага кўтариш Лукмон Бўрихон услубига хос фазилатдир. Бу тамойил ёзувчининг сўнгги йилларда мустақиллик руҳи йўғирилган асарларда янаям яққол кўга ташланади.

Лукмон Бўрихон ҳамиша ўзига хос бўлган бадий услуб соҳиби сифатида тақлидчили, бирёқламалик ва баёнчиликдан қочган. Баъзан унинг айрим асарлари тугалланмагандек, фикрлари ниҳояланмагандек таассурот уйғотади. Адиб одатда қаҳрамонлар портретини чизмайди, балки асосий эътиборини характер яратишга қаратади. Бундай ҳолатни адибнинг барча асарларида кузатиш мумкин. Лукмон Бўрихон қиссалари услуби, ифода усуллари, тасвир оҳанги, ритмикаси билан ҳам эътиборни тортади. Дарҳақиқат, Лукмон Бўрихон «руҳий ҳолатни тасвирлаш» услуби устуворлик қилади. Унинг илк сўзи ҳолат тасвирида бошланади.

Лукмон Бўрихон инсон руҳиятидаги зиддиятларни тасвирлаш орқали салмоқли бадий умумлашмалар яратишга интилиб келаётган ижодкорлардан. Ёзувчи қиссаларида китобхонни инсонликнинг ижтимоий-маънавий қирраларини таҳлил этишга ундайди. Туғилиб ўсган қишлоғидан шаҳарга кетиб, нуфузли давралардан жой олган. Қоржов ҳамқишлоқларини унутмайди. У ҳатто ўз никоҳини шаҳардаги домлалар эмас, ўз қишлоғидаги домла ўқишини хоҳлайди. Қоржов ҳамқишлоқларининг ҳаёт шароитини енгиллаштириш, муаммоларни ҳал қилишга тайёр турган қаҳрамон.

«Қидирувдаги қиз» қиссасидаги Малик ҳам шаҳарда яшаб ишласа ҳам туғилиб ўсган қишлоғидан узоқлашиб кетмайди. Сигир-бузоғига қараб, бир қошиқ обиёвғон ичиш унинг учун катта бахт. У шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳамма билан бир хил муомалада бўлади. Эл-юрт корига ярашни олий бахт деб билади.

Дастлаб ўқишни битиргач Малик қишлоғига қайтади. Консерва заводида ишлайди. Лекин ишлари юришмаганлиги учун яна шаҳарга қайтади. Малик дўсти Нусратбек билан оралари узоқлашиб кетаётганлигидан ташвишда. Бу Маликнинг қалбидаги инсоний туйғулар ўчиб кетмаганлигини кўрсатиб турибди.

Малик дўсти Нусратбекнинг сотқинлигини жуда кеч англаб етади. Шунча йиллар турли ўй-хаёллар, руҳий изтироблар, оғриқли сўроқлари қуршовида, руҳий азобларда қолган қаҳрамон ўзлигидан юз ўгириш маънавий фожиа эканлигини англаб етади. Инсон ҳаётининг асл маъносини ҳам элу юрт учун фойдали, керакли инсон бўлмоқ ташкил этишини Малик чуқур ҳис қилади. Шунинг учун у азиз ҳаётини хавф остига қўйиб курашга отланади. Бундан мақсад қаҳрамоннинг ўзлигини асраш учун ва ҳақиқатни тиклаш учун жасурлик билан ҳаракат қилишини ишонарли қилиб тасвирлашдир.

Жамият учун керакли, фойдали инсон образини яратиш муаммоси Лукмон Бўрихон қиссаларида ўзгача тарзда қўйилган ва ёритилган. Қиссаларга асос бўлган сюжетлар ҳам ўзига хос.

Чунончи, «Хизр кўрган йигит» қиссасидаги Қоржовнинг қишлоқдан шаҳарга бориши, ўқиши, дўстлари билан куриши, қишлоқдаги воқеаларни эслаши, севиб қолиши, шу севги деб қамалиши орқали қаҳрамон қиёфаси очила боради.

«Қидирувдаги қиз» қиссасининг сюжети эса Малик ва Нусратбек ўртасидаги дўстлик, яъни уларнинг ўқишга киришлари, талаба бўлишлари, дўстлашишлари, ўқишни битиргандан кейинги саргузаштлари, Маликнинг севиб қолиши, кутилмаганда у қизнинг изсиз ғойиб бўлиши каби воқеалар асосига қурилган.

Ёзувчининг тасвирлашича, Нусратбек одамлар кўзига уддабурон, ишбилармон бўлиб кўринишга ҳаракат қилади. Одамларнинг қаршисида бош эгиб, қуллук қилишларидан завқланади. Шу тариқа ёзувчи қаҳрамоннинг яширин, сирли қиёфасини ҳодисалар силсиласида бирин-сирин ёритиб боради. Унинг характери, нутқи, атрофдагиларга муносабати одамларга тазйиқ ўтказиш, дўқ-пўписа қилишга асосланган, бош этишга мажбур қилган, сохта ғоялар билан тушовланган собиқ тузум амалдорларидан фарқ қилмайдиган Нусратбекнинг сохта қиёфасини фош қилади. Ёзувчи бу билангина кифояланмай Нусратбекнинг ваҳшиёна ўғлим топишини ҳам маҳорат билан тасвирлайди.

Ёзувчи Қоржов ва Маликнинг оталарининг образи орқали меҳнаткаш, содда, ишонувчан, сертакаллуф сурхон воҳасининг кишиларини тасаввур этади. Ёзувчи қиссаларида катта-катта муаммоларни ўртага ташлаган. Ҳаётий воқеаларнинг энг нозик томонлари, характерли, миллатга хос нуқталарини топиб, уларни икир-чикиригача тасвирлайди. Аниқроғи ижтимоий-маънавий муаммолар, ўзаро инсоний муносабатларни чуқур бадиий таҳлил қилади. Асар бадиийлигини таъминлайдиган биринчи омил сифатида муаллиф ўзини қизиқтирган, ўзига яхши таниш бўлган материаллар ҳақида ёзади.

Луқмон Бўрихон қиссаларида турли тақдирлар ва зиддиятларга дуч келамиз. Натижада оддий инсон сифатида, ўзимизни ҳикоя қилинаётган воқеалар иштирокчисидай сезамиз. Ёзувчи тасвирлаган Қоржов, Малик, Нажот Ғайбулла каби миллий қаҳрамонла тақдири билан танишар эканмиз, ўзимизда чуқур руҳий изтиробни сезамиз.

Маълумки, Луқмон Бўрихон қиссаларида қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, руҳий кечинмалари, тақдири орқали жамиятимизнинг турли табақаларига оид кишиларнинг ҳаёт тарзи, хато ва камчиликлари, маънавий таназзуми, ютуқлари тасвирланади. Ёзувчи шу услуб билан турмушимизнинг барча жабҳаларига кириб боришга, ҳаётнинг барча қирраларини, ҳар хил тақдирларни кўрсатишга, турли характерлар руҳиятини таҳлил қилиш орқали яхлит ҳулоса чиқаришга интилади.

Луқмон Бўрихон қиссаларида тасвирлаган қаҳрамонлар ҳаётидаги лаҳзалар шундай бир довонки, ундан уларнинг бутун босиб ўтган йўли, ўтмиши, келажаги яққол кўриниб туради. Қаҳрамонлар қалбида кескин бир драма туғён уради. Табиий кечинмалар, ҳолатлар ва манзараларнинг ҳаққоний ва бадиий тасвири занжир халқалари сингари ўзаро боғланиб, ўзига хос эпик тафаккур ҳосил қилади.

Айни пайтда ҳар бир тасвир ичига сингдирилган фалсафий мушоҳадалар, инсоний кечинмалар шу даражада уйғунлашиб кетганки, яхлит ҳолда улар инсон ҳаётига оид умумлашмаларни ифода этиш баробарида табиий туйғулар ҳароратини китобхонга етказишда ва бадиийликнинг ошишига хизмат қилган.

Қаҳрамонлар тақдири орқали кўтарилган масалаларга китобхон эътиборсизлик билан қарай олмайди. Зеро, адиб воқеаларига янгича нигоҳ билан муносабат билдирган, яъни ҳаётий жараёни ҳаётда қандай бўлса, шу ҳолича яратган.

Бу нималарда кўзга ташланади.

Бизнинг фикримизча, бу қуйидагиларда кўринади, биринчидан, Луқмон Бўрихон қиссаларида воқелик эмас, инсон қисмати, тақдири, унинг дарди ва алами тасвири етакчилик қилади, иккинчидан, инсоннинг руҳий олами, туйғуси, изтироби, дунёқараши самимийлик билан, катта инсоний дард билан инкишоф этилиши,

учинчидан, эса, инсон образига бошқача ёндашиш, яъни унга инсон сифатида ёндашиш ва бор нуқсонлари ҳамда фазилатлари билан тасвирлаши, тўртинчидан, масала моҳияти давр нуқтаи назаридан тўғри ёритилишида кўринади. Демак, Лукмон Бўрихон бунга тўла муяссар бўла олган ва миллий характерларни эртакона сюжетлар асосида китобхонга етказиб бера олган.

Шуниси диққатга сазоворки, Лукмон Бўрихон қиссаларининг салоҳияти нафақат унда кўтарилган ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг долзарблигида, балким қисса поэтикасининг теранлигида ҳамдир. Ёзувчи қўллаган баён услуби қаҳрамон «мен»ида олиб борилиши «Хизр кўрган йигит» қиссаси қаҳрамони Қоржов ўзбек характерининг типик вакилидир. Қаҳрамон «мен»и бошидан кечирганларини шунчаки ҳикоя қилмайди, у мушоҳада юргизади, турфа ҳаётининг сабаб ва моҳиятини излайди, ўзига ва бошқаларга баҳо беради, умумлаштиради, воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний ҳулосалар чиқаради. У ўзини оддий одам сифатида таниши, тан олиши, воқеалар ривожининг энг юқори нуқтасида кечади. Қаҳрамонларнинг фалсафий-психологик мушоҳадаси теранлашган сайин асарга жалб этилган мавзу моҳияти очиб берилади. Чунончи, Қоржов ва Маликлар, уларнинг оталари-рамзий исм, лекин улар бутун бир ўзбек миллати тимсоли. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ўз қаҳрамонлари тимсолида миллат тақдирини бадиий жонлантириб беради.

Ёзувчи маҳорати қиссаларнинг тил баёнида ҳам мукаммал намоён бўлади. Сажияда ифодаланган баён услуби, насрий тасвирнинг гўзаллиги қиссалардаги тасвир кучини янада оширган. Хуллас, она табиатни, инсонни авайлаб-асрашга даъват, табиийликка интилиш, умр сонияларининг қадрига етиш, ҳаётни эъзозлаш, эзгуликка қадрлаш, миллий қадриятларни улуғлаш Лукмон Бўрихон қиссаларининг асосини ташкил этади.

Хулоса

Адабиёт яшаса-миллат яшар. Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига чалишмагон ва адиблар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилгон миллат ўзини инқирозда эканини билдирур», -деб ёзган эди аср бошида адабиётимиз юлдузларидан бири-Абдулҳамид Чўлпон.

Бугунги кунда жаҳон қиссачилиги билан баҳсга киришаётган қиссачилигимиз равнақи йўлида ёзувчиларимиз олиб бораётган ижодий изланишлар, бадиий тадқиқотлар ўз йўлини тоттиш учун уринишдир. Янги ўзбек қиссаларини яратиш борасида бир қатор ёзувчиларимиз қўллаган услуб, танланган мавзу хилма-хиллиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Турғунлик даврида ўзбек оилаларининг турмуши, ўзбек зиёлиларининг тақдири, «кичик бир хонадон, кичик бир хонадондаги кичик бир фожиа тимсолида, катта бир тузум одамларни қай тарзда ёритиш» ёзувчи таъбирича, асарнинг асосий мавзуси бўлиб, нафақат бош қаҳрамон образи тимсолида, балки барча персонажлар орқали шахс ва жамият, маънавий поклик ва тубанлик ўртасидаги азалий кураш ёзувчи томонидан очиб беришга ҳаракат қилинади.

Бугунги ўзбеклар ҳаётини, фикру ўйларини ижобий томонлари ва қусурларини очиб беришда Лукмон Бўрихон анчагина ўзига хосликка эришган. Биргина Қоржов ва Малик образларида қатъиятлилиқ ва журъатсизлик, бир сўзлик ва бебурдлик, қўрқоқлик ва жасурлик уйғунлаштириб бериладики, бу бугунги замондошларимиз-кўпгина ўзбек йигитларига хос хусусиятдир.

Истиқлол шарофати туфайли сўз эркинлигини қўлга киритган бадиий сўз усталари миллий адабиётимиз равнақи йўлида гоҳо миллий анъанавий талқин йўлидан боришлари, гоҳо эса Ғарб ва рус адабиёти асарлари мактаблари услубларини танлашлари ўзига хос кечмоқда. Бу айниқса Лукмон Бўрихон қиссаларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ёритилиши ўзига хос услубда тасвирланган. Бу борада

ёзувчи ўзига хос услуб танлай олган. Бунинг учун эртакона сюжетлардан маҳорат билан фойдаланган.

Фольклор узоқ аجدодларимизнинг инсон, табиат ва ҳаёт ҳақидаги қарашларининг қаймоғи, улар ҳақидаги бадиий хотирасидир. Шу боис чин истеъдод эгаси бундай бадиий сарчашмани ҳеч қачон четлаб ўта олмайди. Алқнинг буюк истеъдодлари томонидан қачонлардир яратилган халқ эпоси ва эртаклари, афсона ва ривоятлари, мақол ва топишмоқлари, аския ва қизиқчилик санъати ижодкорлар учун тайёр манбанинг сюжет ҳамда ҳажв даҳосидан ўз даврининг барча муаммоларига жавоб топа олади. Мумтоз адибу шоирларимиз фольклорга хос типлар, сюжет ва мотивларни ўзлари қаламга олган ҳаёт воқелиги, шахслар билан синтезлаштирилган ҳолда бетакрор тип характерлар яратдилар, даврнинг долзарб муаммоларини ҳал этувчи бадиий ечимлар кашф этдилар. Улар халқнинг ғоявий эстетик принципларини ижодий ўзлаштириб, ажойиб асарлар ёздилар, инсон маънавий-ахлоқий табиатига хос ютуқ ва нуқсонларни фақат фольклорнинг безавол анъаналарига суяниб акс эттирдилар.

Устозлар изидан борган Луқмон Бўрихон фольклор анъаналаридан фойдаланиб, миллий характер яратишнинг ўзига хос услубини яратди. Хулоса қилиб айтганда, халқ ижодининг барҳаёт анъаналари ўзбек реалистик адабиётнинг парвозини, фалсафий камровини, ҳаётийлиги ва халқчиллигини ҳамisha таъминлашга қодир безавол манбалик вазифасини ўтайди.

Луқмон Бўрихон қиссаларида шевадаги сўзлардан ўринли фойдаланган. Адабий тилимиз айрим минтақаларда қадимдан ишлатилиб келинган «гапчиноз», «тизинглаб», «қўлик», «гурри», «ўр», «ҳовар», «қўшхона», «сиёғи» каби сўзлар билан бойиди. Улар персонажларнинг айна ҳолатдаги руҳиятини аниқ ифода этишга хизмат қилган.

Ёзувчи қаҳрамонлари мисолида миллат турмуш тарзи ва табиатидаги ўзига хос хусусиятлар сезилиб туради. Уларда эзгуликдан умид, инсон табиатининг тозарувига ишонч бор, эртанги кунга умид сезилиб туради. Чунки уларнинг барчаси покланишга, эзгуликка, миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлашга қаратилгандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т. 1995.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1993.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т. 1993.
6. Буюк сиймолар, алломалар. Т.1995.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т. 1992.

II

1. Алавия М. Ўзбек маросим қўшиқлари.Т, 1974.
2. Бадиийлик-безавол янгилик. «Шарқ» Т, 2007.
3. Гусев К.В. Эстетика фольклора. Л.1967.
4. Давкараев Н. Очерки по истории до революционной Каракалпакинской литературы. Т, 1959.
5. Жапаков Н. Обрядовые песни. Очерки по истории каракалпакского фольклора. Т, 1977.
6. Жондор Туленов, Зоир Гофуров. Фалсафа. Т. «Ўқитувчи», 1997.
7. Кармўшева Дж.Х. Земледельческая обрядность у казаков . Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. М. 1986.
8. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб, Т. «Ўқитувчи» 1970.
9. Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. Т. «Истиқлол» 2005.
10. Непокоева И. Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. М., Наука, 1976.
11. Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. Т, 1972.
12. Спесаров Г.П. Реликт до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М, 1969.
13. Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. Т. 1971.
14. Ҳамидулла Болтабоев. Юрт қайғуси. «Шарқ юлдузи», 1992, 4-сон.
15. Қадимий қадриятлар. Ғ.Ғулом нмидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.1987.
16. Қозоқбой Йўлдошев. Ёниқ сўз. Т. «Янги аср авлоди», 2006.

III

1. Бозор Илёс ал-Амин. Миллий адабиётнинг икки илдизи. «Шарқ юлдузи»,

1998, 1-сон.

2. Ёрматов И. Ҳозирги ўзбек лирикасида синтезлашган фольклоризмлар хусусида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1985, 2-сон.
3. Имомкаримова М. Миллий қадриятларни акс эттиришда адиб маҳорати. «Шарқ юлдузи», 2001, 4-сон.
4. Каримов Б. Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1996, 1-сон.
5. Нурмонов Ф. Ўзбек халқ эртакларида Хизр образининг эпик талқини. «Ўзбек тили ва адабиёти», 2003, 4-сон.
6. Нурмонов Ф. Хизр образи генезисига доир айрим мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти», 2004, 2-сон.
7. Пардаева З. Руҳий изтироб чизгилари. «Шарқ юлдузи», 2002, 1-сон.
8. Рустамова М. Услуб жиолари. «Шарқ юлдузи», 2003, 3-сон.
9. Саидов С, Нурмуродов Й. Яна бир эртаклар тўплами олмон тилида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1998, 5-сон.
10. Тўйчиев А. Миллий характер яратиш йўлида. «Жаҳон адабиёти», 2007, 7-сон.
11. Ҳамидова М. Руҳиятдаги инқилоб. «Шарқ юлдузи», 2000, 5-6-сон.

IV

1. Гулиқаҳқаҳ. Сехрли эртаклар. Т. 1988.
2. Лукмон Бўрихон. Хизр кўрган йигит. Қиссалар ва ҳикоялар. «Шарқ» Т, 2007.
3. Лукмон Бўрихон. Жазирамадаги одамлар. Роман. Ғ.Ғулом. Номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т, 2005.